



УДК: 94.5(327)

Нурбек МАТЯКУБОВ,
Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси
E-mail: ozobek.radjabov.94@inbox.ru

ТДШУ профессори С. Шадманова тақризи асосида

HISTORY OF HOUSING CONSTRUCTION IN UZBEKISTAN (1991-2021 years): STATISTICAL ANALYSIS

Annotation

Construction of new housing is the main direction of housing. Therefore, the construction sector is an important part of housing policy. Uzbekistan has experienced and continues to experience this process in its history of independence. Especially in recent years, housing for all segments of the population has become a priority of public policy. This in turn requires an increase in the number of homes. Therefore, housing construction is developing today. This article analyzes issues related to housing construction in Uzbekistan.

Keywords: Rural Housing Fund, administrative-territorial reforms, pilot projects, long-term soft credits.

ИСТОРИЯ ЖИЛИЩНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ (1991-2021 ГГ.): СТАТИСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

Аннотация

Строительство нового жилья является основным направлением жилищного строительства. Поэтому строительный сектор является важной частью жилищной политики. Узбекистан пережил и продолжает переживать этот процесс в своей истории независимости. Особенно в последние годы обеспечение жильем всех слоев населения стало приоритетом государственной политики. Это, в свою очередь, требует увеличения количества домов. Поэтому жилищное строительство сегодня развивается. В данной статье анализируются вопросы, связанные со строительством жилья в Узбекистане.

Ключевые слова: Сельскохозяйственный фонд, административно-территориальные реформы, пилотные проекты, долгосрочные льготные кредиты.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИ (1991-2021 ЙИЛЛАР): СТАТИСТИК ТАҲЛИЛ

Аннотация

Янги уй-жойлар қуриш аҳолини уй билан таъминлашнинг асосий йўналишини ташкил этади. Шу сабабли, қурилиш соҳаси уй-жой сиёсатининг муҳим бўлаги ҳисобланади. Ўзбекистон ўзининг мустақиллик йилларидаги тарихида бу жараёни бошдан кечирди ҳамда кечирмоқда. Айниқса охириги йилларда аҳолининг барча қатламларини уй-жой билан таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишига айланди. Бу ўз навбатида уй-жойлар сонини оширишни талаб қилади. Шу сабабли, уй-жой қуриш бугунги кунда ривожланиб бормоқда. Мазкур мақолада Ўзбекистонда уй-жой қурилиши билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Қишлоқ уй-жой фонди, маъмурий-худудий ислохотлар, намунавий лойиҳалар, узоқ муддатли имтиёзли кредитлар.

Кириш. Аҳолининг ёш таркибидаги ёшлар салмоғи ва шунга мос равишда ёш оилалар салмоғининг юқорилиги туфайли уй-жойга юқори потенциал талаб шакллانган ҳамда шаклланмоқда. Статистик маълумотлар, 1991-2012 йиллар оралиғида Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида уй-жой қурилиш миқдори турлича бўлганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон урбанизациясининг кузатилаётган динамикаси шаҳарларда уй-жой қурилиши ўсишининг тезлашишига олиб келди. Жумладан, 2010 йилдан бошлаб шаҳарлардаги уй-жой фондининг майдони қишлоқ жойларидаги уй-жой майдонидан ошиб кетган. Қишлоқ уй-жой фондининг улуши 2000 йилдаги 60 фоизга нисбатан 2012 йилда умумий уй-жой фондининг 47,2 фоизгача камайди. Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларидаги уй-жой миқдорининг ўзгаришида бир қанча сабаблар мавжуд бўлган. Бундай пасайишнинг сабабларидан бири йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар типидagi посёлкаларга айлантирилишига олиб келган маъмурий-худудий ислохотлар ёки қишлоқ жойларда аксарият уй-жойларнинг ҳеч қачон рўйхатга олинмаганлиги бўлиши мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ жойларда ер солиғи миқдори яшаш майдонига эмас, балки ер участкасининг

майдонига боғлиқ бўлган. Яна бир сабаблардан бири миграция билан боғлиқдир. Қишлоқдан шаҳарга миграция натижасида 2009 йилдан бошлаб шаҳар аҳолисининг улуши қишлоқ аҳолиси улушидан ошиб кета бошлади. Яна бу ўсиш йирик қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳар типидagi аҳоли пунктларига айланишига олиб келган маъмурий-худудий ислохотлар туфайли ҳам ҳисобланади[1].

2009-2012 йилларда 23,6 минг та уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилган[2]. 2009-2016 йилларда қишлоқ жойларда 1308 турак жой массивида умумий майдони 9 миллион 573 минг квадрат метр бўлган 69,557 та уй-жой қурилган[3]. 2015 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда умумий майдони тахминан 457,9 миллион метр квадрат бўлган 5,7 миллионга яқин уй-жой мавжуд бўлган. 2006 йилда уй-жой фонди 1991 йилга нисбатан 49,7 фоизга ошган. Шунингдек, 2012 йилда уй-жойларни фойдаланишга топшириш 2007 йилга нисбатан 30 фоизга кўпайган. 2013 йилда фойдаланишга топширилган 10,7 миллион квадрат метр уй-жойнинг 8 миллион квадрат метри қишлоқ жойларда қурилган[4]. 2017 йилда шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилган.

Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар ҳамда 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамыз[5].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Энди 2013 ва 2021 йилларда уй-жой қурилиш соҳасини таққосласак куйидаги манзара кўзга ташланади. 2013 йилда 10 мингта уй-жой барпо этилган бўлса, 2021 йилда 54 минг оила уй-жой билан таъминланган. Шундан “Қишлоқ қурилиш инвест” ва “Ўзшаҳар қурилиш инвест” инжиниринг компаниялари томонидан 12 мингта уй, Молия вазирлиги тижорат банкларига жойлаштирадиган ресурслар ҳисобидан 26 минг 500 та квартира, хусусий тадбиркорлар томонидан қурилган 8 мингта хонадон фойдаланишга топширилган. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун 500 тагача, жами 6,5 мингта оилага кредит берилган. 2021 йилни ҳудудлар миқёсида айтганда, Қорақалпоғистонда 2290 та, Андижонда 4665 та, Бухорода 3220 та, Жиззахда 1670 та, Қашқадарёда 3710 та, Навоийда 1836 та, Наманганда 4025 та, Самарқандда 4479 та, Сурхондарёда 3989 та, Сирдарёда 1414 та, Тошкент вилоятида 4046 та, Фарғонада 4530 та, Хоразмда 3016 та ва Тошкент шаҳрида 7556 та уй-жой қуриб битказилган[6].

- **Тадқиқот методологияси.** 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқ ҳудудлари кесимида алоҳида-алоҳида уй-жой қуриш дастурлари амалга оширила бошланди. Жумладан, 2009 йил 3 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига қирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинган. Шунингдек, 2009-2010 йилларда 260,5 млрд.сўм, шу жумладан, 2009 йилда — 65,5 млрд. сўм миқдорда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида яқка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинган[7]. 2010 йил 8 сентябрда қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуришга узок муддатли имтиёзли кредитларни тақдим этиш учун махсус «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ҳамда яқка тартибдаги уйларни ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топширадиган ва ҳар бир минтақада бўлимлари мавжуд бўлган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташкил этилган[8].

- **Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишига янгича ёндашувларни олиб келди. Ушбу ҳужжат беш йиллик даврга мўлжалланган қишлоқ жойларда арзон уйлар қуришнинг кўламли Дастурини амалга ошириш назарда тутган. Дастурда қишлоқ жойларда нарх параметрлари ва шинамлилигига кўра яқка тартибдаги уй-

жойлар намуналарининг учта энг арзон турларини қўшимча равишда барпо этиш назарда тутилган. Биринчи тури икки ва уч қаватли кўп квартирали уйларни барпо этишни ўз ичига олган. Бундай уйларда умумий майдони 42,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 72,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85,0 миллион сўм бўлган икки хонали квартиралар қуриш режалаштирилган. Уч хонали квартираларнинг майдони 52,4 квадрат метр ва тахминий қиймати 88,5 миллион сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 миллион сўм бўлган. Иккинчи турига мувофиқ аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли икки ва уч хонали арзон уйлар қуриш кўзда тутилган. Бундай турдаги икки хонали уйларнинг умумий майдони 53,0 квадрат метр ва тахминий қиймати хўжалик иморатлари билан биргаликда 101,5 миллион сўм бўлган. Ўз навбатида, уч хонали уйларнинг умумий майдони 63,5 квадрат метр бўлган ва барча харажатлари 118,7 миллион сўм этиб белгиланган. Учинчи уй тури 4 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган умумий майдони 115,0 квадрат метр бўлган икки қаватли тўрт хонали уйлар қуришни назарда тутилган. Бунда кўрсатиб ўтилган уйларнинг тахминий қиймати 181,8 миллион сўмни ташкил этган. Дастурни молиялаштириш учун 2017 йил учун 2 триллион 121,5 миллиард сўм йўналтирилган. Қисқача айтганда, Дастур доирасида 2017 йилда 15 мингта янги уй ва квартира қурилиши мўлжалланган бўлиб, шундан 4608 таси биринчи турдаги, 3739 таси иккинчи турдаги, 3672 таси учинчи турдаги уйларни ҳамда 0,06 гектар майдонга қуриладиган 2981 та бир қаватли уйларни ташкил этган[9].

- **Хулоса ва таклифлар.** Охириги йилларда нафақат қишлоқ ҳудудларида, балки шаҳар ҳудудларида ҳам уй-жой қурилишга эътибор кучайиб бормокда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сонли “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори шаҳар аҳолисининг уй-жойга нисбатан талабни қондиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди ва кенг кўламли ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Мазкур қарордан мақсад шаҳарда яшаётган ёш оилалар, эскирган уй-жойларда яшаётган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларни арзон, қулай ҳамда замонавий уй-жойлар билан таъминлашдан иборат бўлган.

Қарорга асосан 2018 йилда 13917 та квартирали 335 та арзон кўп қаватли уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, 2017-2020 йилларда шаҳарларда жами 1236 та уй ёки 51350 та квартира қурилиши режалаштирилган. Мўлжалланган уй-жойларнинг асосан катта қисми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қурилиши режалаштирилган бўлиб, умумий қурилатган уйларнинг 29252 та квартирали, яъни 56,9 фоизини, 727 та арзон кўп қаватли уй-жойларнинг эса 58,8 фоизини ташкил этган[10]. Жумладан, 2017 йилнинг ўзиде 800 минг квадрат метрдан зиёд уй-жойлар қуриб фойдаланишга топширилган. 2018 йилда фақатгина Тошкент шаҳрининг ўзиде 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди қурилган ҳамда фойдаланишга топширилган. Бу ўтган 2017 йилга нисбатан қарийб 3 баробар кўп ҳисобланган[11].

Хулоса қилиб айтганда, 1991-2021 йилларда Ўзбекистонда уй-жой қурилиш турли даражада амалга оширилди. 2009 йилгача ҳудудларда асосан фуқаролар томонидан яқка тартибда уй-жой қуришга урғу берилган. 2010 йиллардан бошлаб қишлоқ ва шаҳар ҳудудларида уй-

жой куриш дастурлари амалга оширирила бошланди. Бу ўз навбатида аҳолининг уй-жойга бўлган талабани кондиришга қисман сабабчи бўлди. 2016 йилдан кейин турар-жойлар куриш уй-жой сиёсатининг муҳим бўлаги сифатида қаралди. Хусусан, шаҳар ва қишлоқ

худудларида аҳоли эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уй-жойлар куриш кўлами кенгайди. Бу курилган уй-жойлар фақатгина аҳолининг маълум қатлами учун эмас, балки барча аҳоли катлами учун мўлжалланган эди.

АДАБИЁТЛАР

1. UNECE: Национальный обзор жилищного хозяйства и землепользования. Узбекистан. Нью-Йорк-Женева. 2015. С. 27-28
2. Бу шунчаки рақамлар эмас: Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган уй-жой сиёсати ҳақида. // Янги Ўзбекистон. 2021. №104.
3. Обломуратов Н. Уй-жой курилишига инвестицияларни жалб этишнинг янги имкониятлари. // Халқаро молия ва ҳисоб. № 5, 2017. Б. 2.
4. UNECE: Национальный обзор жилищного хозяйства и землепользования. Узбекистан. Нью-Йорк-Женева. 2015. С. 29
5. Исаков М., Ядгаров А. Иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашнинг долзарб масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2018. б. 3.
6. Бу шунчаки рақамлар эмас: Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган уй-жой сиёсати ҳақида. // Янги Ўзбекистон. 2021. №104.
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 32-33. 2009. 358-модда.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябардаги “Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва курилишни яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1403-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 37. 2010. 320-модда.
9. Обломуратов Н. Уй-жой курилишига инвестицияларни жалб этишнинг янги имкониятлари. // Халқаро молия ва ҳисоб. № 5, 2017. Б. 2-3.
10. Исаков М., Ядгаров А. Иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашнинг долзарб масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2018. б. 6.
11. Исаков М., Ядгаров А. Иқтисодий ислохотлар натижасида аҳолини арзон уй-жой билан таъминлашнинг долзарб масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, 2018. б. 3.



УДК: 631.67(93/94)(575)

Муаззамхон МАХМУДОВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш

муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети таянч докторанти

E-mail: muazzamxon1982@mail.ru

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети профессори, т.ф.д. Ш.М. Ўлжаева тақризи асосида

DISCUSSION OF AMIR TEMUR'S IRRIGATION FACILITIES IN MUGHAN STEPPE AND BAYLAKAN

Annotation

This article discusses the construction of irrigation facilities in Karabakh and the Mughan steppe by the decree of Amir Temur, and enriches the scientific results obtained so far. During our research, it became clear that Amir Temur's creative work in Karabakh was not studied in depth. Therefore, the article analyzes the sources and scientific literature of the Timurid period, compares them, and finds some solutions to the confusion. This article tries to prove that not one, but two large irrigation facilities were dug in the Mil and Mughan plains in the Arran region by the decree of Amir Temur.

Key words: Karabakh, Baylaqan city, Nahri Barlos canal, Nahri Baylaqon canal, Arron historical-geographical area, Mil and Mughan plains, irrigation facilities.

ОБСУЖДЕНИЕ ОРОШИТЕЛЬНЫХ СООРУЖЕНИЙ АМИРА ТЕМУРА В МУГАНСКОЙ СТЕПИ И БАЙЛАКАНЕ

Аннотация

В данной статье рассматриваются ирригационные сооружения, вырытые в Карабахе и Муганской степи по указу Амира Темура, и обогащена полученными научными результатами. В ходе нашего исследования выяснилось, что творчество Амира Темура в Карабахе не изучалось глубоко. Поэтому в статье анализируются источники и научная литература тимуридского периода, проводится их сравнение и находят некоторые пути решения путаницы. В данной статье делается попытка доказать, что по указу Амира Темура на Мильской и Муганской равнинах в районе Аррана были вырыты не одно, а два крупных ирригационных сооружения.

Ключевые слова: Карабах, город Бейлаган, канал Нахри Барлос, канал Нахри Байлаган, историко-географический район Аррон, Мильская и Муганская равнины, ирригационные сооружения.

АМИР ТЕМУРНИНГ МУҒОН ДАШТИ ВА БАЙЛАҚОН ШАҲРИДА БУНЁД ЭТГАН ИРРИГАЦИЯ ИНШООТЛАРИ ҲАҚИДА МУНОЗАРА

Аннотация

Ушбу мақолада Амир Темура фармони билан Қорабоғда ҳамда Муғон даштида қазилган ирригация иншоотлари ҳақида баҳс юритилган ва шу пайтгача олинган илмий натижалар билан бойитилган. Тадқиқотимиз давомида Амир Темурнинг Қорабоғдаги бунёдкорлик ишларини чуқур тадқиқ қилинмаганлиги маълум бўлди. Шу сабабли мақолада темурийлар даврига оид манбалар ва илмий адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилинди, уларни бир-бирига солиштирилди, баъзи чалкашликларнинг ечими топилди. Мақолада Амир Темура фармони билан Арран ҳудудидаги Мил ва Муғон текисликларида битта эмас, балки иккита йирик суғориш иншооти қазилганлигини исботлашга ҳаракат қилинади.

Калит сўзлар: Қорабоғ, Байлақон шаҳри, “Нахри Барлос” канали, “Нахри Байлақон” канали, Аррон тарихий-географик ҳудуди, Мил ва Муғон текисликлари, ирригация иншоотлари.

Қириш. Амир Темура Байлақондаги улкан бунёдкорлик ишлари билан Озарбайжон тарихида ўчмас из қолдирди. Амир Темура фармони билан Муғон даштида қадимий канал қайта тикланади ҳамда Байлақонда шаҳарни сув билан таъминловчи янги канал қазилади. Аксарият тарихчи олимлар ўз тадқиқотларида Амир Темурнинг Байлақонда “Нахри Барлос” канали курганлиги ҳақидаги маълумотлар билан чекланиб, “Нахри Байлақон” каналининг қазилишига аҳамият бермаслиги натижасида темурийлар даври манбаларида айтилган “Нахри Барлос” ҳамда Байлақон шаҳрида янги қазилган “Нахри Байлақон” канали ҳақида чалкашликлар пайдо бўлиб қолганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқотимизда Амир Темура фармони билан Озарбайжоннинг Аррон тарихий географик вилоятида иккита йирик ирригация иншооти курганлигини, ушбу ирригация иншоотларининг қазилган йили, жойлашган ҳудуди, масофасининг бир-биридан кескин фарқ қилишини кўрсатиб ўтамиз. Тадқиқотимизда Байлақон шаҳридаги 1933 йилгача қайта-қайта қазилиб, бугунги кунда Фузулий

тумани, Байлақон шаҳри ва Ағжабоди туманлари ҳудудидан ўтувчи Оржоникидзе каналининг Барлос канали эмас, балки Байлақон канали эканлигини исботлашга ҳаракат қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Амир Темурнинг Озарбайжондаги бунёдкорлик ишлари ҳақида Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” ҳамда Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарларида батафсил маълумот берилади. Озарбайжонлик Мирзо Жамол Жовоншир Қорабоғийнинг “Қорабоғ тарихи” асарида ҳамда туркиялик олим Энсар Маситнинг “Темурийлар даврида Озарбайжон” мавзусидаги докторлик диссертациясида Барлос наҳрининг қазилиши баён қилинади. Хорижий адабиётлар таҳлил қилинганда мазкур масалада чалкашликлар мавжудлиги аниқланди.

Тадқиқот методологияси. Мақолада тарихий жараён тафсилотлари аниқ ва равшан бўлмаганлиги сабабли унинг моҳиятини очиш ушун тарихий таққослаш услубидан фойдаланилди. Ушбу мақолада хронологик услуб орқали Амир Темура фармони билан Муғон даштида

қадимий каналнинг қайта тикланиши ва Байлақонда шаҳарни сув билан таъминловчи янги канал қазилишининг саналари аниқлаштирилди.

Тахлил ва натижалар. Амир Темури қўшини билан Туркияга юриши олдидан 1401 йил ноябрь ойининг сўнггида қишлоқ учун Қорабоғ қишлоғига келади. Соҳибкироннинг суюкли набираси Султон Муҳаммад Самарқанддан кўпгина қўшин билан бобосини ёнига келгач, соҳибкирон набирасини бир неча кун меҳмон қилади. Меҳмондорчиликдан сўнг бирга овга чиқишади, ов давомида хароб ётган каналга етиб боришади. Амир Темури хайрли ишга бел боғлайди, хароб ҳолда ётган канални қайта тиклашга жазм этади ва канални қазिशга буюради. Аввалги ҳукмдорлар ушбу канални қазилганини урдасидан чиқа олмаганлар, каналнинг бошланиш даҳанаси Арас дарёсидан сув олган бўлиб, Кўшки Жанкаши деган мавзедан қазиганлар. Канал узунлиги ўша даврда 10 фарсахдан (60-70 км) ортқикни ташкил этган. Канал қўшин томонидан бир ойда қазилиб, сув келтирилади. Каналнинг этаги Сарча Бел мавзесидан Пири Камор мазоридан ўтади, бориб Гилон ва Мозандарон денгизига қуйилади. Амир Темури барлос уруғи номини хайрли ишларда мангу қолишини мақсад қилиб канални “Наҳри Барлос” деб атади [1]. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асаридан Барлос наҳридан бемалол кемалар ҳаракатланиши ҳақида айтиб ўтган [2].

Шарафуддин Али Яздий Амир Темурининг туғма бунёдкорлик сифатини эътироф этиб, сафар қилган ёки бир муддат бўлган ерида ўша жойни обод қилганлигини ёзади. Амир Темури 1403 йилда турк султони Йилдириш Боязидга қарши зафарли юришидан сўнг яна қишлоқ учун Қорабоғда тўхтади. Ўша даврда сосонийлар даврида қурилган ва мўғуллар тарафидан вайрон этилган [3] Байлақон шаҳри хароб бўлиб ётарди. Амир Темури Байлақон шаҳрини қайтадан тиклашга қарор қилди. Амир Темури фармонига биноан шаҳар бир ой давомида муҳандислар томонидан бунёд этилди. Сўнг соҳибкирон Байлақон шаҳрини сув билан таъминловчи канал қазилган фармон берди. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома” асаридан Байлақон наҳри қазилишини қуйидагича баён қилади: Шаҳар обод бўлгандан сўнг Амир Темури Арас сувидан Байлақонга бир ариқ ўтказилган фармон берди. Чун шаҳар обод бўлуб, масқун бўлгон ва хайвоноту набототи бўлгондин сўнг подшоҳона химмати раво кўрдиким, Арас суйидин Байлақонга бир ариқ ўтқариб, сув кетургай ва анинг маъмури масқунлиги камол топгай. Фармони қазоғарён судур бўлдиким, арқони давлат бул муҳим ишга машғул бўлдилар. Тавочилар бутун ариқ масофасида асоқирни тақсим этиб, наҳри равон қаздиларқим, миқдори олти яғоч ва эни ўн беш гази шаръий эрди. Бул иш ҳам бир ойда тамом бўлуб анжомига етқарилди” [2]. Низомиддин Шомий “Зафарнома” асаридан узунлиги олти фарсах ва кенглиги ўн газ бўлган Байлақон наҳрининг Арас дарёсидан қазилиб Кура дарёсига бориб қуйилиши ҳақида ёзади [1].

Тарих фанлари доктори О. Бўриев Ҳофизи Абрунинг Сулаймон (Истанбул) кутубхонасида сақланаётган “Зубдат ат-таворихи Бойсунгурий” асари қўлёзмасида Байлақон наҳрининг қурилиши ҳақидаги айрим қўшимча ва аниқликлар берилганлигини қайд этади: “Арас дарёси қирғоқидан бир ариқ қазилган киришсинлар ва у Байлақондан ўтсин, унинг ободончилиги, аҳолисининг экинзорлари, қишлоқларидан ортган суви Кур дарёсига бориб қуйилсин”, деган бўйсунини шарт бўлган буйруқ берилди. Ариқнинг узунлиги олти фарсах, эни ўн газ, Самарқанд гази билан, у ўн беш машхур Ирок ва Хуросон газига тенгдир; чуқурлиги баъзи жойларда тўрт газ, айрим

қисмларида беш, олти, етти, саккиз гази ташкил этади. Лекин аксарий қисмида тўрт газ эди, ундан камроқ, – то икки газгача жойлари ҳам бор эди. Каминага кутёри хоҳвиён, уни илмий китобларда мизон ул-арз атайдилар, воситасида кузатиб бориш ва заруридан ортиқча иш қилмаслиги учун қайси жойни қанча чуқурликда қазилганини аниқлаш топширилган эди. Голиб лашқар ёсоқийлар гуруҳини ул иш билан машғул этди; давлат амирларин эса, уларни ишга буюриб туриш учун тайинлади. Бир йил давомида қилинадиган ўшандай катта ишни бир ой муддат ичида тугатиб, сувни ариқда очдилар. Абадийликка туташ давлатнинг шарофати ва онҳазратнинг пок нияти туфайли шаҳар ва вилоят ул ўша сувдан обод бўлди” [4].

Озарбайжонлик Мирзо Жамол Жовоншири Қорабоғийнинг “Қорабоғ тарихи” асаридан мўғуллар томонидан вайрон этилган Байлақон шаҳрининг Амир Темури томонидан қайта тикланиши ҳамда Барлос наҳрининг қазилиши баён қилинади: “Қорабоғ вилоятида Бурда шаҳридан кейин бундан бир ярим минг йил аввал форс шоҳи Қубод фармони билан Байлақон шаҳри барпо этилади. Шоҳ Қубод Кур дарёсидан кенг Байлақон текислигига катта канал қаздирди. Қадимда ўша катта каналнинг номи Барлос бўлса, ҳозир Говурарх номи билан машхур. Чингизхон давригача ўша шаҳар, ариқ, қишлоқлар ўз жойида эди. Хижрий 635 (1237/38) йилда мўғуллар қўшини келиб Байлақон шаҳрини қамал қилади ва бир неча ойдан кейин шаҳарни эгаллаб, уни вайрон қилади. Қорабоғ вилоятининг туман ва қишлоқлари аҳолиси Қорабоғ ва Ширвон тоғларига қочиб кетди. Байлақон шаҳри ва ўша катта канал бир муддат хароба бўлиб қолди. Амир Темури Туркистондан Юнон вилояти (Туркия-Усмонли) томон ҳужум қилди. Турк султони Йилдириш Боязид билан жанг қилиб, мағлубиятга учратгач, у ердан қайтиб, Байлақон шаҳрини тиклади, кўплаб жамоат ва аҳолини тўплаб, шаҳарга ўтувчи канални тиклади. Бу жой сафавийлар давригача бир муддат обод бўлиб қолган. Сафавий султонлари ва Нодиршоҳ даврида Грузия ва Ширвонга борган қўшинлар туфайли яна вайронага айланган, шаҳар аҳолиси тарқаб кетган. (Шаҳар) ҳозир вайронага айланган” [5]. Муаллиф ушбу канални ажойиб ва фойдали канал деб таърифлаб, бу каналнинг суви билан сўғориладиган далаларда ғалла, шולי, пахта, тут ва бошқа барча турдаги ўсимликлар экилса, мўл ҳосил олинишини, каналдан тўғри ва ўринли фойдаланилса, унинг атрофида беш-олти минг оиладан иборат қишлоқлар барпо этилиб, фаровон яшаш мумкинлигини қайд этади.

Фикримизча, юқоридаги асарда Амир Темури томонидан қайта тикланган “Барлос канали” ҳақида сўз борапти. Арас дарёсининг шимолида ва жанубида қазилган иккала канал ҳам халқ томонидан Говурарх деб номланган. Муаллиф манбаларни чуқур таҳлил этмасдан Байлақон наҳрини Барлос наҳри деб атаган бўлиши мумкин. Бу эса кейинги давр адабиётларида ҳам Амир Темури томонидан Озарбайжонда фақат Барлос наҳри қурилган деган қарашга сабаб бўлган бўлиши мумкин.

XV аср бошларида Амир Темурининг Қорабоғда олиб борган ободонлаштириш ишлари, энг аввало Байлақонда канал қурилиши бу ерда хўжалиқнинг янада ривожланишига хизмат қилди. Ов пайтида хароб ётган қадимий канал топилди. Амир Темури қўшинига канални тозалашни буюрди ва канал бир ой муддатда қайта тикланиб фойдаланишга топширилди. Бу канал Арас дарёсидан бошланиб, Байлақоннинг Саржабил деган жойидаги Пири Қамар мазори ёнида тугайди. Тахминан 60-70 км узунликдаги канални Темури “Барлос наҳри” деб атаган. Қорабоғнинг тоғ ва тоғ олди худудларида

чорвачиликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очди[6].

Туркиялик олим Энсар Маситнинг “Темурийлар даврида Озарбайжон” мавзусидаги диссертациясида Амир Темур томонидан Байлақон шаҳрини сув билан таъминлаш мақсадида Арас дарёсидан канал қаздиришига қуйидагича муносабат билдиради: “Амир Темур фармони билан Кўшки Жанкаши деб номланган жойда Арас дарёсидан қўшин ёрдамида бир ой давомида узунлиги 6 фарсах, эни 15 газ бўлган канал қазилади, дарёнинг охири Сарча Бел деган жойда, Пир Камор қабри ёнидан ўтиб, Кур билан қўшилиб, Каспий денгизига қуйилади”[7]. Юқоридаги маълумотларда Байлақон шаҳрини сув билан таъминлаш мақсадида Амир Темур фармони билан янги қазилган Байлақон канали “Барлос наҳри” деб аталган.

Озарбайжонлик тарихчи Саид Али Козимбей ўғли Арас дарёсидан иккита канал қазилганлиги ҳақида ёзади. Улардан бири Олтан (Варсан) шаҳри харобалари билан параллел бўлиб, Арран чўлининг ўрталарига ҳам давом этадиган Байлақон каналидир. Иккинчи каналга келсак, у Арас жанубидаги Олтан шаҳри яқинидан бошланиб, қадимда Муғон чўлида мавжуд бўлган, кейин қуриб қолган Харанжу канали билан қўшилиб, уни янгилаган. Ушбу каналнинг узунлиги 70 км, Байлақон каналининг узунлиги 36 кмни ташкил этган. Жанубдаги канал Барлос деб аталади[8]. Муғоннинг айрим жойларида (Саатли ва Собиробод туманлари) қадимий канал излари ҳозиргача сақланиб қолган. Бу улкан суғориш тизимлари Говуарх деб аталади. Муғонда муҳим суғориш ариқлари тез-тез вайрон бўлган. Мўғулларнинг Мингхон бошчилигидаги ҳарбий қўшинлари XIII аср бошларида Муғонга ҳужум қилиб, суғориш тизимларини вайрон қилган. Амир Темур эса вайрон қилинган канални тиклади[9].

Тарихчи Мирзазода Аласгар Муғон вилояти тарихига бағишлаб ёзган асарида Барлос наҳри ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Саид Али Козимбей ўғли “Жавоҳирномаи - Ланкарон” асарида “Разат-ус-сафо” ва “Ҳабиб-ус-сияр” асарларидан иқтибослар келтириб, Барлос каналининг қазилш ва қайта тиклаш ишлари ҳақида бизга маълумот беради. У Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳижрий 804 йил (1401) кишини Муғон саҳросида ўтказганини ёзади. Амир Темур ажойиб дабдаба ва ҳашамат билан Арас дарёсидан ўтиб, Муғоннинг ўртасига етиб борди. У ерда ов қилиб юрганида машҳур ҳукмдорлар қолдирган хароба каналга кўзи тушди. Амир Темур юқорида тилга олинган канални қазиб, таъмирлашни буюради”[10].

Озарбайжонлик тарихчи Саид Али Козимбей ўғли маълумотларидан Барлос каналининг Муғон даштида қайтадан тикланганлигига амин бўламиз. Ҳозирги кундаги Саатли ва Собиробод туманларидаги канал излари ҳам Барлос наҳрининг излари бўлиши мумкин.

Каналларнинг қурилиш хронологиясига эътибор қаратадиган бўлсак, Амир Темур Барлос наҳрини Туркияга юришидан олдин, яъни 1401 йилда қаздиради, Байлақон наҳрини эса Туркияга зафарли юришидан кейин 1403 йилда қаздиради. Манбаларга асосланган бўлсак, Барлос наҳрининг узунлиги 10 фарсах, яъни тахминан 60-70 кмни ташкил этади. Манбаларда Арас дарёсидан бошланувчи канал суви охири бориб Гилон ва Мозандарон денгизига қуйилади, дейилган. Гилон ва Мозандарон денгизи бу Каспий денгизи бўлиб, Озарбайжоннинг шарқий қисмида жойлашган. Аслида манбаларда Каспий денгизига бориб қуйилиши бўрттириб юборилган. Кўшки Жанкаши, Сарча Бел, Пири Камор каби номлар билан аталувчи жойларни бошқа манбаларда учратмадик.

Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида ёзилишича, Амир Темур Озарбайжонни бошқаришни Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарга топширади. Мирзо Умар 1404 йилнинг куз ойларида қишлоқ учун Қорабоғга келади. Қишни ўтказгач, баҳор фасли келиши билан у Қорабоғни тарк этади ва Арас сувидан ўтиб Барлос наҳри ёнидаги Неъматобод қишлоғига боради: “Мирзо Умар қишлоқ юртидан кўчиб, Арас сувидан ўтди ва ийди рамазон куни (2 апрель, 1405) Барлос наҳрининг ёнига, Неъматобод қишлоғига келиб тушди ва ҳашаматли бир тўй бериб, сўнг у ердан Ужонга келди”[11]. Ушбу маълумот ҳақиқатдан ҳам “Наҳри Барлос”нинг Араснинг жанубида, яъни Муғон даштида қазилганлигига асос бўлади.

Байлақон шаҳрини сув билан таъминлаш мақсадида қазилган Байлақон наҳрининг узунлиги 6 фарсах, яъни тахминан 36 кмни ташкил этади. Арас дарёсидан сув олиб Байлақон шаҳрини сув билан таъминлаб, ортган сув Кур дарёсига қуйилади. Кур дарёси Арас дарёсининг шимолида жойлашган.

XIX асрнинг 70 йилларида Хонқизи (Хуршудбону Натавон) Говуархни қайта қуриб, Мил текислигига сув олиб чиқишга муваффақ бўлди. Ўшандан бери Говуарх “Хонқизи” канали деб аталади[12]. Эски Хонқизи каналини реконструкция қилиш, вайрон бўлган суғориш тизимини тиклаш лойиҳаси Й.И. Здобнов томонидан ишлаб чиқилган ва Арас дарёсидан сув олиб, Мил текислиги ва Қорабоғ текислигидаги далаларни суғориш мақсадида 1933 йилда яқунланган. Қадимги Хонқизи суғориш тизими Мил текислигининг ўртасида жойлашган бўлиб, шимолдан Гаргарчай ва жанубдан Арас дарёлари билан чегарадош эди. Қадимги Хонқизи канали IV-VI асрларда қурилган деб тахмин қилинади. Тарихий манбаларда бу канал номи Барлос деб ҳам тилга олинган. Кейинги йилларда уни Гавуарх деб аташган. Эроннинг Муғон текислигида дарёнинг ўнг қирғоғи бўйлаб, тахминан шу қисмда Арас дарёсидан сув олиб, далаларни суғориш учун қурилган магистрал каналнинг номи ҳам Гавуарх деб аталган. XV асрнинг бошида Амир Темур томонидан қаздирилган, кейинчалик яроқсиз холга келган канал 1866 йилда қорабоғлик Аҳмадбей Жаваншир томонидан қайта очилган. Кейинги йилларда ирригация тизимини тиклаш ташаббуслари бўлган бўлса-да, 1927-1933 йилларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Канал фойдаланишга топширилгач, ўз даврининг таниқли большевиғи, грузин Григорий Константинович Оржоникидзе шарафига каналга “Оржоникидзе” номи берилган. Каналнинг узунлиги 64,5 км, сув ўтказувчанлиги 33 м³ ни ташкил этади[13].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибди-ки, ҳар иккала канални ҳам Говуарх деб аташган. Байлақондаги канални ҳам Амир Темур қаздирганлиги учун халқ томонидан Барлос канали деб номланиб келинган. Амир Темур фармони билан қазилган Байлақон каналини Барлос канали деб нотўғри талқин этилиши натижасида адабиётларда чалкашликлар келиб чиққан. Ҳозирги кунда Арас дарёсидан сув олиб Байлақон шаҳридан ўтувчи Оржоникидзе канали “Наҳри Барлос” канали эмас, аслида “Наҳри Байлақон” канали ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар. Амир Темур фармони билан Арас дарёсидан қазилган “Наҳри Барлос” ҳамда “Наҳри Байлақон” деб номланувчи каналлар бир неча асрлар давомида Озарбайжон аҳолисини сувга бўлган эҳтиёжини қондиришга, мамлакат иқтисодиётининг юксалишига катта ҳисса қўшди. Барлос наҳри ўша даврларда Муғон даштини суғорувчи асосий канал бўлса-да, кейинги даврларда эътиборсизлик туфайли қуриб,

тупроқлар билан кўмилиб фақатгина ундан Саатли ва Собирабод туманларида канал излари сақланиб қолган бўлиши мумкин. Байлақон наҳрининг асрлар оша таъмирланиб, қайтадан қазилиши унинг ҳозирги кундаги Оржоникидзе каналига асос бўлиб хизмат қилди. Канал

ҳозирда ҳам Аррон ҳудудидаги туманларни сув билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Соҳибқирон Амир Темурнинг таъбири билан айтганда, унинг хайрли ишларидан кейинги авлодлар ҳам асрлар оша баҳраманд бўлиб келмоқда.

АДАБИЁТЛАР

1. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 317-374.
2. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 253-278.
3. <https://aqqator.az/az/obshestva/1543535>
4. Бўриев О. Амир Темурнинг ҳорижий мамлакатлар ободончилигига қўшган ҳиссаси // Амир Темур сабоқлари. “Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси” мавзuida ўтказилган халқаро иккинчи илмий конференция материаллари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. – Б. 19-20.
5. Mirza Cemal Cavanşir Karabağî. Karabağ Tarihi // Hikmet Yurdu, Yıl: 7, C: 7, Sayı: 14, Temmuz – Aralık, 2014/2. – S. 215.
6. Qarabağ bildiklərimiz və bilmədiklərimiz. – Bakı: Şarq-Qərb, 2010. – S. 78.
7. Macit E. Timurlular zamanında Azərbaycan // Doktora tezi. – Erzurum: Atatürk Üniversitesi, 2017. – S. 122-123.
8. www.wiki.az-az.nina.az/Gavur_arxi.html
9. <https://sibirabadinfo.wordpress.com/2011/06/29/mugan-duzu-tabii-cografi-sərait/>
10. Mirzəzadə Ə. Tarix və zaman Muğan tarixinə dair araşdırma. – Bakı: Elm və təhsil, 2017. – S. 216.
11. Самарқандий, Абдураззоқ. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / А. Самарқандий; Масъул муҳаррирлар: А. Қажумов, Муҳаммад Али; Ўзбекистон Республикаси ФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. – Тошкент, 2008. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йил воқеалари. – Б. 59.
12. <http://www.beyleqanli.az/az/chapter.html?id=24>
13. Paşayev E., Həsənov F. Azdövsütəslayihə” institutunun tarixi və inkişaf yolu. – Bakı: Şərq-Qərb, 2010. – S. 37-38.



УДК: 9:33(575.1)

Маҳмуд НАСРУЛЛАЕВ,
Самарқанд давлат университети доценти
E-mail: nasrullaev_amir@mail.ru

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Ў.Худаяров тақризи асосида

PECULIARITIES OF THE TRANSITION TO A MARKET ECONOMY IN UZBEKISTAN

Annotation

This article describes the implementation of economic reforms in our country during the years of independence and its features. The reforms plans are substantiated that made taking into account the capabilities of the country, the mentality of the population, the geopolitical role of our state. As well as, the successes and shortcomings of its implementation will also be analyzed.

Keywords: “Uzbek model”, production, market relations, “Development strategy”

ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕХОДА К РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКЕ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В данной статье раскрываются экономические реформы осуществленные в нашей стране в годы независимости и их особенности. Анализируется стратегия осуществленных в республике реформ, её разработка и осуществление на основе изучения возможностей государства, менталитета населения и геополитического места страны. Уделяется внимание на успехи и недостатки достигнутые в этой сфере.

Ключевые слова: “Узбекская модель”, производство, рыночные отношения, “Стратегия развития”

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши, унинг хусусиятлари очиб берилди. Ислохотлар режаси мамлакат имкониятлари, аҳоли менталитети, давлатимизнинг геосиёсий ўрни эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилганлиги асосланади ва унинг амалга оширилишидаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: “Ўзбек модели”, ишлаб чиқариш, бозор муносабатлари, “Тараққиёт стратегияси”.

Кириш. Мустақиллик қўлга киритилган даврда мамлакатимиз, халқимиз зиммасига жуда оғир синовлар тушди. Бунинг боиси шундаки СССР парчаланиши натижасида бошқа республикалар билан ягона давлат шароитида шаклланган анъанавий иқтисодий алоқалар узила бошлайди ва молиявий, хом ашё захираларининг тақчиллиги вазияти вужудга келади. Бунинг устига Россия раҳбариятининг иқтисодий ислохотларнинг “шок терапияси” йўлини танлаши оқибатида жуда ҳам кучли инфляцион жараёнлар бошланиб кетади. Бу жараён ҳали совет рубли зонасида турган республикалар, жумладан Ўзбекистонни ҳам қамраб олди. Натижада мамлакатимизнинг собиқ Иттифоқнинг бошқа худудларидаги корхоналари билан боғлиқ барча корхоналари тўхтаб қолиш арафасига келиб қолди. Бунинг устига республика иқтисодиётининг умумий кўрсаткичлари бошқа республикаларникидан анча орқадалиги мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштирди. Бу даврда саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан Ўзбекистон ўртача Иттифоқ кўрсаткичидан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада эди. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Иттифоқ даражасининг 40 фоизини ташкил этарди [1]. Буларнинг барчаси аҳолининг шундай ҳам паст даражада бўлган моддий аҳволини янада ёмонлашувига олиб келди. Республика аҳолисининг 70 фоизига яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Аини пайтда бу кўрсаткич Украина ва Россияда 30 фоизни ташкил қилар эди[2].

Энгил-елпи, мамлакатдаги реал вазият, халқимиз менталитети ҳисобга олинмаган иқтисодий ислохотларни

амалга ошириш билангина бу ҳолатдан чиқиб кетиш мумкин эмас эди. Иқтисодий инқироздан чиқиш учун ҳар томонлама пухта ўйланган, бир неча давлатларнинг ижобий тажрибаларига суяниб, миллий хусусиятлар ва республикадаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ҳисобга олиб, кенг миқёсдаги туб иқтисодий ислохотлар амалга ошириш йўли билангина Ўзбекистоннинг инқироздан чиқиши ва тараққиёт сари юзланишини таъминлаш мумкин эди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Собик тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида иқтисодий ҳаёт сохта сиёсат, мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган эди. Мафкура иқтисодиётдан устун бўлиб, унинг ривожланиш йўналишларини берарди. Бу тузумнинг иқтисодий негизини давлат ва колхоз-кооператив мулк шаклларида иборат умумхалқ мулки деб аталмиш, эгасиз мулк ташкил этарди. Давлат асосий ишлаб чиқариш фондларининг 90 фоиздан ортиғига эга бўлиб, иқтисодиётда яқка ҳокимликни ўрнатган эди. Бунинг оқибатида давлат иқтисодиётни, иқтисодий ҳаётни бир марказдан маъмурий-буйруқбозлик асосида бошқариб, ҳамма нарсани, яъни қандай маҳсулот ва хизматларни қанча миқдорда, қандай технологиядан фойдаланиб, қимлар учун ишлаб чиқаришни режалаштириб, белгилаб берар эди.

1991 йилда мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда кенг қўламдаги иқтисодий ислохотлар бошланди. Ундан қўзланган мақсад бозор иқтисодиётини шакллантиришдан иборат бўлган эди.

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини ислохот қилар экан авваламбор бу соҳада тўпланган жаҳон тажрибасига мурожаат қилди. 20 аср

давомида Франция, Германия, Япония, Италия, Жанубий Корея, Чили, Испания, Португалия, Туркия каби мамлакатларда кенг қўламдаги ислохотлар ўтказилган эди. Бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган ислохотлар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам амалга оширилган эди. 20 аср 80 йилларининг охирида эса Шарқий Европа мамлакатларида ҳам ислохотлар бошланиб кетди. Дастлаб тилга олинган мамлакатларда бозор иқтисодиёти умусан олганда асосан шаклланган эди. Иккинчи гуруҳ давлатларида ҳам унчалик ривожланмаган бўлсада, ҳар қалай бошланғич бозор муносабатлари мавжуд эди. Учинчи гуруҳ мамлакатларида социалистик ишлаб чиқариш усули 50 йиллардан бошлаб ҳукмронлик қилса ҳам, қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат кўрсатиш, кичик бизнес соҳаларида хусусий мулкчилик сақланиб қолган эди. Бундай ҳолатлар уларнинг бозор иқтисодиётига ўтишини осонлаштирар эди. Ўзбекистонда эса бозор муносабатлари эндигина шакллана бошлаганда октябр тўнтарини содир бўлиб иқтисодиёт бошқа йўналишга буриб юборилган эди. Мамлакатимиз бу соҳада ҳеч қанака тажрибага эга эмас эди. Шу сабабли бозор муносабатларига ўтиш психологик муаммоларни вужудга келтириши муқаррар эди. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, юртимизда дастлабки бозорлар 4-5 минг йиллар илгари вужудга келган эди. Лекин бозорларнинг шаклланиши бозор муносабатларининг пайдо бўлганлигини англамайди. Бундай муносабатларнинг асосий шартини, натурал муносабатларга чек қўйилиши, нафақат саноат, қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулотлари, балки меҳнатнинг барча турлари ҳам ўзига хос товарга айланиши ва олди – сотди объекти бўлиши кераклигидан иборат эди.

Ислохотлар бошланганда Ўзбекистон иқтисодиётидаги вазият қанақа эди? Қандай омиллар мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтишни осонлаштирар эди?

1. Республикада 1990 йилда 1821та фақат йирик корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 45 фоизи оғир саноат тармоқлари, 35 фоизи енгил саноат тармоқлари, қолганлари агросаноат комплексига қирадиган корхоналар эди; [3]

2. Мамлакатда ялпи саводхонликка эришилган бўлиб, интеллектуал салоҳият анча юқори эди;

3. Юқори малакали инженер-техник ходимлар, ишчи кадрлар тарбияланган эди;

4. Саноат инфратузилмаси, яъни ишлаб чиқариш корхоналари, ҳаво, темир ва автомобиль йўллари, энергетик ва иссиқлик манбалари, сув оқова тизими шаклланган эди;

5. Нафақат саноат, балки қишлоқ хўжалиги, таълим масканлари, хизмат кўрсатиш тизими ва бошқа соҳалар замон талабига тўла жавоб бермасда, умуман олганда анчагина салоҳиятли моддий-техника базасига эга эди;

6. Ўзбекистон катта саноат хом-ашё ресурсларига эгаллиги ҳам бозор муносабатларига ўтишни енгиллаштирувчи омиллардан бири эди. Аниқланган захираларнинг қиймати ҳозир 11 триллион долларни ташкил қилади;

Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтишни қийинлаштирувчи омиллар ҳам мавжуд эди. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Аксарият саноат корхоналарида ўрнатилган технологик ускуналар ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан эскирган эди. Бу совет даврида, ошқоралик сиёсати амалга оширилишидан олдин ҳам эътироф этилган эди. Жумладан, “Правда Востока” газетаси 1986 йилда Ўзбекистондаги йирик саноат корхоналаридан 900 дан ортигини техник жиҳатдан қайта куриш ва

реконструкция қилиш лозимлигини қайд қилган эди. [4] Бозор иқтисодиётига ўтиш бошлангач мамлакатда мавжуд бўлган корхоналарнинг аксарияти жаҳон андозалари талабларига умуман жавоб бермаслиги, бозор иқтисодиётига ўтиш бошлангач рақобатга чидаш бера олмаслиги яққол қўзга ташланди. Бундай ҳолат корхоналардаги технологик ускуналар ўрнатилганига қанча вақт бўлганлигига қарамадан умуман янгиланмаганлигининг оқибатида вужудга келган эди. Масалан, Каттакўрғон ёғ-мой комбинатидаги пресс ускунаси охири рус подшоши Николай 2-нинг бобоси Александр 2- замонида ишлаб чиқарилган эди. Курилган корхоналарнинг бирортасида ўрнатилган ускуналар бирор марта ҳам янгиланмаган эди. Ваҳоланки технологик ускуналар АҚШда ўрта ҳисобда ҳар 20 йилда, Япония ва Жанубий Кореяда ҳар 15 йилда алмаштирилмоқда;

2.Технологиянинг эскилиги маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатиб, энергия истеъмолини бошқа мамлакатларникига нисбатан бирнеча марта ортик бўлишига ва маҳсулот таннархининг ошишига олиб келаётган эди;

3.Инженер-техник кадрларнинг аксарияти рус ёки русийзабон бошқа миллатларга мансуб эди. Мустақиллик эълон қилингандан кейин бундай ходимларнинг кўпчилиги ўз юртига жўнаб кетиши кадрлар тақчиллигини туғдирди;

4.Ўзбекистондаги корхоналар ё хом ашёга дастлабки ишлов берувчи, ёки марказдан олиб келинган бутловчи қисмларни териш билан шуғулланувчи корхоналар бўлган. Масалан пахтанинг фақат 10%и мамлакатимизда тайёр маҳсулот ҳолатига олиб келинган холос[5]. Тошкент трактор заводида 95%, Тошкент авиация бирлашмасининг 98% бутловчи қисмлари марказдан олиб келинган. Айрим корхоналар, масалан чинни заводлари, Бекобод қора металлургия заводи учун эса хом ашё бошқа республикалардан олиб келинган. Собик Иттифоқ тарқалгач бу ҳолат катта қийинчиликларни туғдирди. Бунинг устига рангли металлургия ва бошқа бевосита собиқ Иттифоқ вазирликларига бўйсунтирилган йирик, рентабеллик даражаси юқори бўлган корхоналар даромадларининг фақат 1 фоизи Ўзбекистон бюджетига ўтказилар эди; [6]

5.Ўша даврда Ўзбекистон экспортининг 65%и хом ашё ва дастлабки ишлов берилган маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келган. Ислохотлар бошлангач, машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқариш 90 фоизга қисқарганлиги[7], Ўзбекистон учун асосий бозор бўлган собиқ Иттифоқ республикаларидаги иқтисодий қийинчиликларнинг республикамиз саноатига салбий таъсири натижасида Ўзбекистон экспортида хом ашёнинг улуши янада ортди ва бу кўрсаткич тахминан 85-90 фоизни ташкил қилди. Хом ашё нархининг сунъий равишда пасайтирилиши ва аксинча тайёр маҳсулотларнинг юқори нархларда сотилиши бир томондан республика даромадини камайтириб, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, мамлакатимиз аҳолисини боқимондаликка айблаш учун асос бўлиб хизмат қилди;

Ўзбекистон иқтисодиётидаги бундай мураккаб зиддиятли вазият бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб олишни талаб қилар эди. Кейинчалик бу йўл бутун дунё томонидан эътироф этилди ва “Ўзбек модели” деган номни олди. Унинг асосий тамойиллари иқтисодиётнинг мафкурадан холилигида, давлатнинг бош ислохотчи деб эътироф этилишида, қонун устуворлигида, фаол ижтимоий сиёсат юритишида, бозор иқтисодиётига ўтишда аста-секин, босқичма-босқич ҳаракатланишида намоён бўлди.

“Ўзбек модели” бозор иқтисодиётининг умумий томонларини эътироф этган ҳолда Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳам ҳисобга олди.

Бу хусусиятлар қуйидагилар:

1. Ўзбекистон иқтисодиёти бошқа совет республикалари даражасида ривожланмаган бўлсада, унинг ишончли салоҳияти бор эди.

2. Ўзбекистон катта табиий ва замон талабларига тўла жавоб берадиган, аҳолининг ўсиш суръатлари юқорилиги сабабли тез ортиб бораётган меҳнат ресурсларига эга эди.

3. Ўзбекистон иқтисодиётида қишлоқ хўжалигининг ўрни катта бўлиб, аҳолининг катта қисми (60%) қишлоқ жойларида истиқомат қилар эди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантиришда қуйидаги босқичларни босиб ўтилишини тақозо этди:

1. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

2. Бозор инфратузилмасини, яъни бозорга ўтишни таъминлайдиган, унга хизмат қиладиган соҳалар, ташкилот, корхона ва муассасаларни шакллантириш;

3. Мулкчилик ва хўжалик юритиш усулларини хусусийлаштириш;

4. Нарх-навони либераллаштириш;

Таҳлил ва натижалар. Ўша даврда мамлакатдаги иқтисодий вазият жуда оғир эди. 5 млн тонна ғаллага эҳтиёж бўлган бир вақтда бу маҳсулотни ишлаб чиқариш 2,0381 млн тоннани ташкил қилар эди [8]. Ўзбекистон учун нефть мустақиллигини таъминлаш ҳам жуда катта аҳамиятга эга эди. Чунки иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур валюта маблағларининг талайгина қисми нефть ва нефть маҳсулотларининг харидига сарфланаётган эди. 1990 йилда 5,7 млн тонна нефть маҳсулотлари четдан олиб келинган эди. [9] Шу икки маҳсулот масаласини ҳал қилишсиз ислохотларни амалга оширишни жадаллаштириш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Худди шу сабабли ислохотларнинг дастлабки босқичида ғалла ва ёқилги мустақиллигини таъминлашга катта эътибор берилди. Дон маҳсулотлари экиладиган ер майдонлари кенгайтирилди, ҳосилдорликни ошириш чоралари қўрилди. Шу билан бир вақтда ёқилгини тежаш технологиялари жорий қилиниб, нефть ўрнига газдан кенг миқёсда фойдаланила бошланди. Натижада 1996 йилга келиб бу муаммолар асосан ҳал қилинди.

Иқтисодиёт экспертларининг фикрича дунёдаги мамлакатларни тараққиёт кўрсаткичлари бўйича 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Кам тараққий этган давлатлар. Улар асосан хом ашё экспорт қиладилар.

2. Ривожланаётган давлатлар. Улар экспортнинг асосий қисмини тайёр маҳсулотлар ташкил қилади.

3. Ривожланган давлатлар. Бу мамлакатлар экспортда тайёр маҳсулотлар ҳам бўлсада асосий ўринни технология экспортни эгаллайди.

4. Тараққий этган давлатлар. Улар экспортнинг асосий қисми интеллектуал мулк, ғоядан иборатдир. [10]

Ўзбекистон мустақилликка эришган даврда, юқорида айтилганидай анча йирик иқтисодий салоҳиятга эга бўлган бўлсада, унинг самарасизлиги, иқтисодий инкироз гирдобига тушганлиги оқибатида мамлакат экспортининг 65 фоизини хом ашё ташкил қилар эди. Шу сабабли бу кўрсаткич бўйича республикамиз кам тараққий этган давлатлар таркибига кирар эди.

Ислохотлар бошланганда Биринчи Президентимиз мамлакатни хом ашё экспорт қиладиган мамлакатдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган мамлакатга

айлантириш вазифасини қўйди. Бу эса ўз навбатида эскирган ускуналарни янги замонавий технологиялар билан алмаштириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни талаб қиларди. Бундай ўзгаришларни жалб қилишсиз амалга ошириш мумкин эмас эди. Инвестициялар асосан янги технологиялар харид қилишга сарфланди. 1990 йиллар давомида сарфланган маблағларнинг 60 фоизи технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Инвестицион муҳитнинг яхшиланиши ва унинг кафолатланиши инвестициялар миқдорини оширишни таъминлади. Натижада республика иқтисодиётига 2017 йилга қадар жами 190 млрд АҚШ доллари, жумладан 65 млрд АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестициялар киритилди [11]. Инвестициялар, айниқса хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ошиб борди. Агар 1997-йилда хорижий инвестициялар миқдори республикада 1,1 млрд долларни ташкил қилган бўлса [12], 2021 йилда жами 10 миллиард доллардан ортик хорижий инвестиция, жумладан, 8,1 миллиард доллар тўғридан тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд худудий лойиҳа амалга оширилиб, 273 мингдан ортик иш ўрни ташкил этилди. Инвестициялар миқдорини кейинги йилларда ҳам ошириб бориш режалаштирилган. Жумладан, 2022 йилда 9,5 миллиард доллардан зиёд тўғридан тўғри хорижий сармояларни ўзлаштириш, 282 та йирик ва 9 мингдан ортик худудий лойиҳаларни ишга тушириш мўлжалланган. [13]

Оқилона инвестицион сиёсатнинг юргизилиши ва бошқа иқтисодий тадбирлар натижасида мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришилди, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланди. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Натижада, 1991 йилдан 2017 йилга қадар қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши 37 %дан 19,2 %га тушди [14]. Саноатнинг ЯИМдаги улуши эса 2000 йилдаги 20%дан [15] 2017 йилдаги 33,5 % га кўтарилди [16].

Ислохотлар натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти Марказий Осиёда диверсификацияланиш кўрсаткичи бўйича энг илгор иқтисодиёт даражасига кўтарилди. “Тренд” агентлигининг маълумотларига кўра, агар мустақилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистон экспортининг 60%и пахта хом ашёси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2018 йилга келиб Ўзбекистон экспортда қайта ишланган ва тайёр маҳсулотга айлантирилган товарлар улуши 80%га кўтарилди. Бу ҳозирги вақтда мамлакатимизни ривожланаётган мамлакатлар қаторига ўтганлигини англатади

2008-2017 йиллар мобайнида республикада ишлаб чиқарилаётган товарлар миқдори озиқ-овқат саноатида 14,1 марта, автомобилсозлик йўналишида 12 марта, нефть химияси корхоналарида 11,7 марта, тўқимачилик ва чарм-пойфал соҳаларида 5 марта кўпайишига эришилди. Ўзбекистон Республикаси 10000 дан ортик турдаги юқори сифатли, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берувчи маҳсулотларини дунёнинг 160 давлатига экспорт қилувчи мамлакатга айланди. Тез суръатлар билан ривожланиб бораётган республиканинг тўқимачилик саноати маҳсулотлари дунёнинг 100 дан ортик мамлакатига экспорт қилинмоқда [17].

Хулоса ва тақлифлар. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги тўла циклда автомобиль ва тижорат техникаси ишлаб чиқарувчи ягона мамлакат ҳисобланади. Республиканинг енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи қувватлари 300 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бундан ташқари мамлакатда юк

автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиль ва кишлоқ хўжалик техникалари, кабель, электротехника, химия ва нефтехимия, қурилиш материаллари, фармацевтика маҳсулотлари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Кенг кўламда амалга оширилган тадбирлар натижасида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати мамлакат аҳолиси учун зарур бўлган деярли барча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган, унинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган соҳага айланди[18].

Буларнинг барчаси иқтисодиётни ислоҳ қилиш “Ўзбек модели”нинг ҳаётийлигини, унинг изчил амалга оширилганлигини англатади. Президент Ш.М.Мирзиёев

ташаббуси билан қабул қилинган, 2017-2021 йилларни қамраб олган “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегия”си, “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси”да кўйилган, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган, давр билан ҳамнафас бўлган янги вазифалар, уларнинг бажарилиши иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилишда муҳим қадам бўлади ва аҳоли турмуш даражасини, унинг фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. О социально-экономическом развитии Узбекистана за годы независимости..<https://e-cis.info> > news
2. Каримов И. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. Тошкент, Ўзбекистон, 1994, 13 с.
3. Ахмедов Э., З.Саидаминова. Ўзбекистон Республикаси – қисқача маълумотнома. Тошкент, Ўзбекистон, 20 с.
4. Ўзбекистон тарихи. (1917-1991 йиллар), Иккинчи китоб. Тошкент, Ўзбекистон, 2019, 430 с.
5. Каримов И.. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, Ўзбекистон, 2011, 238 с.
6. Насруллаев М.. Ўзбекистон фуқароларининг мамлакатни индустриллаштиришдаги фаолияти тарихидан. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт китобида. Самарқанд, 2002, 34-35 сс.
7. Особенности социально-экономического развития <https://articlekz.com> > История
8. О социально-экономическом развитии Узбекистана за годы независимости..<https://e-cis.info> > news
9. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ.. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, Шарқ, 218 с.
10. Халқ сўзи, 2010йил, 12 январь
11. <https://rodgobno.uz> > cat > economic > Экономическое развитие независимого Узбекистана .
12. Жўраев Н., Файзуллаев Т., Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи, Тошкент, Шарқ, 216 с.
13. <https://centrasia.org/newsA.php?st=1641850500>
14. <https://ru.wikipedia.org> > wiki > Экономика_Узбекистана.
15. Экономическое обозрение, 2009 г., №1, стр.31.
16. <https://ru.wikipedia.org> > wiki > Экономика_Узбекистана.
17. <https://www.trend.az/business/economy/2901535.html>. Экономика Узбекистана – одна из самых диверсифицированных в ЦА 14 мая, 2018г.
18. Там же.



УДК:9:33(575.1)

Бобур ОДИЛОВ,

Тошкент давлат шарқишунослик университети доценти в.б.

E-mail: odilov1984@bk.ru

ЎзМУ доценти, PhD Хайназаров Б. тақризи асосида

THE PROBLEM OF THE HISTORICAL AND ETHNOGRAPHICAL ATLAS OF THE PEOPLES OF CENTRAL ASIA AND KAZAKHSTAN

Abstract

In the 1950s-1970s, the ethnography of the peoples of Central Asia was widely covered, and the issue of compiling the "Historical and Ethnographic Atlas of the Peoples of Central Asia and Kazakhstan" was raised. The article analyzes the attempts to create the Atlas, its components, studies reflecting the topics that should be included from the point of view of historiography. The conclusions drawn on their basis are also formulated.

Key words: historical and ethnographic, atlas, historiography, ethnography, ethnology, Central Asia, Kazakhstan, Central Asia, museum, map.

ПРОБЛЕМА ИСТОРИКО-ЭТНОГРАФИЧЕСКОГО АТЛАСА НАРОДОВ СРЕДНЕЙ АЗИИ И КАЗАХСТАНА

Аннотация

В 1950-1970-е годы широко освещалась этнография народов Средней Азии, поднимался вопрос о составлении «Историко-этнографического атласа народов Средней Азии и Казахстана». В статье анализируются попытки создания Атласа, его составляющие, исследования, отражающие темы, которые должны быть включены с точки зрения историографии. Также сформулированы выводы, сделанные на их основе.

Ключевые слова: историко-этнографический, атлас, историография, этнография, этнология, Средняя Азия, Казахстан, Средняя Азия, музей, карта.

ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТНОГРАФИК АТЛАСИ МАСАЛАСИ

Аннотация

1950-1970 йиллари Марказий Осиё халқлари этнографиясини ёритиш ишлари қизғин олиб борилган бўлиб, тадқиқотлар орасида “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг тарихий-этнографик атласи”ни тузиш масаласи кўтарилган. Мақолада Атласни тузишга бўлган уринишлар, унинг таркибий қисмлари, ўрин олиши лозим бўлган тематикалар акс этган тадқиқотлар тарихшунослик жиҳатидан таҳлил этилган. Шунингдек, улардан келиб чиққан хулосалар баён этилган.

Калит сўзлар: Тарихий-этнографик, атлас, тарихшунослик, этнография, этнология, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Марказий Осиё, музей, харита.

Кирриш. Марказий Осиё минтақаси ўзига хос маданий қиёфага эга тарихий-этнографик маскандир. Ўлканинг табиий географик хусусияти ва муайян этносларнинг ижтимоий-иқтисодий алоқалари таъсирида ўхшаш хўжалик маданиятларининг шаклланиши шунингдек, минтақада кечган этномаданий жараёнлар ҳамда халқларнинг кўп минг йиллик тарихий ривожланиши минтақа хусусида муҳим тадқиқотлар ўтказиш имконини беради. Бу хусусида, Венгриялик шарқшунос олим Херман Вамбери[1] ушбу минтақани бутун ер юзи бўйлаб ўхшаши санокли бўлган тарихий-этнографик худудлар сирасига қўшганлиги фикримиз исботидир.

Бугунги кунга қадар Марказий Осиё минтақаси аҳолисининг ҳаёт тарзи, моддий ва маънавий маданиятига оид қатор тарихий-этнографик тадқиқотлар амалга оширилган. Ўтказилган тадқиқотлар таҳлилдани келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақа халқлари ўзаро алоқалар таъсирида, ўхшаш анъана ва қадриятлар асосида ўзига хос хўжалик маданий типларга асос солганлар. Бу жараёнлар ҳозирда кўп миллатлар истиқомат қилувчи минтақамиз аҳолиси осуда ва ўзаро ҳамкорлик алоқалари асосида тараққий этишига хизмат қилиб келмоқда.

Шу ўринда айтиш лозимки, совет иттифоқи даврида ҳам минтақа халқлари томонидан яратилган хўжалик маданий анъаналарига доир бир қадар тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, ушбу тадқиқотлар таҳлили натижасида анъанавий хўжалик масалаларига тегишли

муҳим илмий хулосалар қилиш имкони туғилади. Бирок, бу даврда йиғилган минтақа халқлари анъанавий хўжалиги ва моддий маданиятига алоқадор айрим этнографик маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар илмий тадқиқотларда етарли даражада ёритилмаган. Зеро, ушбу материалларни тадқиқ этиш ва илмий истъеомлга қиритиш натижасида аждоқларимиз минг йиллар давомида шакллантириб келаётган хўжалик маданиятларини локал тармоқларига оид билимларимизни бойитишга эришамиз.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. 1950 йиллардан бошлаб Жаҳон халқлари атласини тузиш доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги барчага маълум. Хусусан, 1961 йилда М.Г.Левин ва Л.П.Потаповалар томонидан Сибир халқларини тарихий-этнографик атласи, 1970 йилда В.А.Александров, И.Кушнер ва М.Г.Рабиновичлар томонидан русларнинг тарихий-этнографик атласи, 1985 йилда Л.Терентьева томонидан Болтиқбўйи халқларининг тарихий-этнографик атласи (деҳқончилик) ва бошқа халқларнинг тарихий-этнографик атласини тузилганлиги ҳақли равишда нима сабабдан Марказий Осиё халқларининг тарихий-этнографик атласи тузилмаган каби саволни ўртага ташлайди.

Ушбу муаммони ҳал этиш ва бу лойиҳани амалга ошириш кесимида турли минтақаларнинг тарихий этнографик атласи яратилиши мақсад этилган. Хусусан,

Марказий Осиё[2] ning тарихий-этнографик атласини яратишга бўлган уринишлар ҳам шулар жумласидандир.

Тадқиқот методологияси. Айтиш жоизки, Марказий Осиёнинг тарихий-этнографик атласини тузиш муаммоси йirik тадқиқот ҳисобланади. Уни амалга ошириш жараёнига Совет иттифоки фанлар академиясининг этнография институти, минтақа давлатларидаги фанлар академиялари шунингдек, бошқа илмий муассасаларда фаолият юритувчи тарихчи, этнограф ҳамда археологлар жалб этилган. Бу даврда ҳамкор тадқиқотчилар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгиланган. Қолаверса, атласни тузиш методологияси ишлаб чиқилган ва кўплаб материаллар тўпланган.

Муаллиф ушбу мақолада Марказий Осиёнинг тарихий-этнографик атласини яратиш борасида сўз юритилган тадқиқот ишларини тарихшунослик жиҳатидан таҳлил қилишга ва таҳлиллардан келиб чиқиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишга уринади.

Таҳлил ва натижалар. Даставвал таъкидлаш жоизки, атласни яратиш ғояси 1950 йилларда вужудга келган бўлиб, илк бор совет иттифоки фанлар академияси этнография институтининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлими мудир Т.А.Жданко тадқиқотларида ўз аксини топган. Қолаверса, кейинги йилларда қатор тадқиқотчилар ишида ушбу ғоя ривожлантирилган.

Атласни яратиш мақсади йўлидаги ҳаракатлар ва йиғилган материалларнинг киймати ҳақида Т.А.Жданко ўзининг бир қатор тадқиқотларида маълумотлар қайд этган бўлиб, ушбу тадқиқотларни айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, тадқиқотчининг “Ўрта Осиёнинг тарихий этнографик атласи”[3] номли мақоласи эълон қилинган бўлиб, унда илк бор Марказий Осиёнинг тарихий-этнографик атласи лойиҳасини тузиш ғояси илгари сурилади. Қолаверса, бу мақсад йўлида турли соҳа вакиллари иштироки кўзда тутилган бўлиб, археолог ҳамда этнограф олимлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари хусусида илк тушунчалар ҳам берилган. Ушбу мақоланинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, муаллиф томонидан Марказий Осиё ҳудуди асосан аграр соҳага ихтисослашган минтақа эканлигини инобатга олган ҳолда хўжалик масалаларини ёритиш Атласни тузишдаги устивор вазифалардан бири этиб белгиланишидир. Т.А.Жданконинг ушбу тадқиқотини атласни тузиш йўлидаги илк қадам сифатида баҳолаш мумкин.

1956 йилга келиб, Т.А.Жданконинг атласни тузиш йўлидаги ҳаракатларини С.П.Русяйкина ҳам қўллаб қувватлайди. С.П.Русяйкина ўз тадқиқотида[4] “Атлас”ни тузиш мақсадида Марказий Осиё халқларининг XIX ва XX асрларига оид моддий маданияти акс этган катта миқдордаги музей фонди материаллари мавжудлигини эътироф этиб, ушбу материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Бир сўз билан айтганда, С.П.Русяйкина ўз ишида бой музей фонди материалларининг атласни яратишдаги ўрнини белгилаб берди. Қолаверса, тадқиқот ишида мавжуд материаллар сақланган музей ва унинг бўлимлари тўғрисида маълумотларнинг келтирилиши уларни тадқиқ этиш имконини кенгайтиради.

1970 йилларга келиб “Атлас”ни яратиш борасида ишлар жонланганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, Т.А.Жданко ўзининг навбатдаги мақоласида[5] атласни яратишга оид назарий масалаларни ёритган бўлиб, таркибий тузилиши ва методологиясини ишлаб чиққанлиги шулар жумласидандир. Муаллиф атласни тузишда фойдаланиши кўзда тутилган маълумотлар баъзасига тўхталади ва бу мақсадда бир қадар

материаллар йиғилганлигини таъкидлайди. Хусусан, турли даврларда ўтказилган экспедициялар натижалари, музей фондлари ва архив манбалари материаллари, халқ орасида ўтказилган анкета сўровларидан йиғилган маълумотлар ва этнографларнинг шу кунгача эришган тадқиқот натижалари шулар жумласидандир. Қолаверса, мақолада ушбу материалларни ўз даврида янгича услуб ҳисобланган хариталаш ёрдамида ҳам баён этиш самараси ҳақида фикр билдиради. Муаллиф илгари сурган фикрдан англаш мумкинки, ёзма қайд этилган маълумотлар билан бир қаторда хариталар ҳам ўрин олиши лозим деб топилган.

Хариталаш борасида ҳам тўпланган тажрибалар мавжуд бўлиб, атласни тузишда ушбу методдан фойдаланиш ўринли албатта. Хусусан, хариталаш тажрибасидан жаҳон халқлари атласини тузиш жараёнида кенг қўлланилган ва бу жараён самараси ҳақида бир қатор тадқиқотчилар[6,7] ҳам ўз фикрларини билдирганлар.

Минтақа халқларининг тарихий-этнографик атласини тузиш ишлари 1975 йилга келиб амалий ривожлана борди ва дастлабки натижалар эълон қилинди. Хусусан, “Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг хўжалик-маданий анъаналари” тўплами атласни тузиш йўлидаги муҳим ҳаракатлардан бири десак янглишмаган бўлаемиз. Тўпландан ўрин олган мақолаларнинг барчаси атлас доираси тайёрланганлигини муаллифлар ўз ишларида эътироф этганлар. Жумладан, тўпландан ўрин олган “Тарихий-этнографик атласда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари хўжалик-маданий анъаналари”[8] номли мақолада атласнинг биринчи қисмига оид маълумотлар акс этган. Аҳамиятлиси шундаки, атласнинг биринчи китоби анъанавий хўжалик масалаларига бағишланган бўлиб, XIX ва XX аср бошларидаги деҳқончилик, суғориш, чорвачиликка оид қисмларни ўз ичига олганлигидир. Бу жараёндан анъанавий хўжалик масалаларига бағишланган материалларнинг мавжудлиги ва ушбу соҳа муҳим аҳамият касб этганлигини англаш кийин эмас.

Ушбу тўпландан тарихшунослик ишлари ҳам ўрин олган бўлиб, Б.В.Луниин[9]нинг XVIII аср охири -XX аср бошлари Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг хўжалиги тарихи тарихшунослигига бағишланган тадқиқотини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотда, Марказий Осиё халқларининг тарихий-этнографиясига оид материаллар библиографияси тузилган бўлиб, ўтказилган турли мақсаддаги экспедициялар вақтида ёзилган кундалик маълумотлар айниқса аҳамиятлидир. Қолаверса, муаллиф томонидан қайд этилган тадқиқот ишларига қисқа шарҳлар ҳам берилган. Таъкидлаш жоизки, библиографияда келтирилган материалларни айримлари халигача чуқур тадқиқ этилмаганлиги ушбу соҳада комплекс тадқиқотлар ўтказиш заруратини белгилайди.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида айтганда ўтган асрнинг 50-70 йиллари оралиғида Марказий Осиё халқлари тарихий-этнографик атласини тузиш методологияси ишлаб чиқилган. Лекин, номаълум сабабларга кўра минтақанинг тарихий-этнографик атласини яратиш борасидаги ишлар якунланмай қолган.

Шунга қарамай, Марказий Осиё халқларининг деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги, моддий маданияти, турмуш тарзига оид муҳим этнографик материаллар йиғилган бўлиб, улар минтақадаги турли давлат архивларида сақланиб келмоқда. Ушбу маълумотлар эса Марказий Осиё халқларининг тикланган тарихий-этнографик қиёфасини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Вамбери Г. Очерки Средней Азии. М., 1868, 5-бет.
2. Расмий ҳужжатларда қайд этилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон тушунчаси ўрнида совет иттифоқи парчалангандан сўнг Марказий Осиё номи қўлланилмоқда.
3. Жданко Т.А. Историко-этнографический атлас Средней Азии. СЭ. №3, М., Наука, 1955. 20-29 бетлар.
4. Русайкина С.П. Музейные этнографические фонды как источник для составления историко-этнографического атласа Средней Азии и Казахстана. С,Э., №4, М., Наука, 1956. 153-158 бетлар
5. Жданко Т.А. Историко-этнографический атлас Средней Азии и Казахстана (принципы и методы составления). СЭ. №4, М., Наука, 1971. 31-41 бетлар
6. Рабинович М.Г. Из опыта историко-этнографического картографирования// Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М., «Наука», 1975. 13-21 бетлар;
7. Андрианов Б.В. Вопросы картографирования этнических и культурных явлений в историко-этнографическом атласе народов Средней Азии и Казахстана// Хозяйственно-культурные традиции народов Средне Азии и Казахстана. М., Наука, 1975. 63-67 бетлар.
8. Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М. Наука, 1975. 6-12 бетлар.
9. Материалы к историографии истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана Конца XVIII-начала XX в.// Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. М. Наука, 1975. 22-41 бетлар.



УДК: 551; 553, 411.071

Муродилла ХАЙДАРОВ,

Геология фанлари университети ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор

E-mail: olmos1972@mail.ru

Маъжид ПИРНАЗАРОВ,

Геология фанлари университети профессори, геол.-мин. ф. д.

E-mail: pmajid@bk.ru

Мохира САИДХОДЖАЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Геология қўмитаси Давлат геология ахборот маркази бош мутахассиси

E-mail: smoxira85@mail.ru

Авзал МИРАБДУЛЛАЕВ,

Геология фанлари университети мустақил изланувчиси

E-mail: avzalkhamdamovich@mail.ru

Мирҳомид МИРАКБАРОВ,

ЎзМУ Тарих факультети мустақил изланувчиси

E-mail: Mirkhomid1@mail.ru

ЎзМУ доценти А.Ерметов тақризи асосида

PRIMARY STEPS OF MINING IN THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND SOME CONSIDERATIONS ABOUT ANCIENT GOLD MINES

Abstract

The first steps in the formation of the mining industry in the territory of Uzbekistan are covered using existing historical sources and many factual materials found in the process of geological prospecting. The prevalence of ancient mountain structures, their occurrence in deposits of different formations, the diversity of scale, depth of transition and methods testify to the centuries-old history of gold mining in the republic.

Keywords: Ancient mountain structures, mining, ore, gold, method, ore formation, rock, amalgamation.

ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ ДОБЫЧИ ДОБЫЧИ НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И НЕКОТОРЫЕ СООБЩЕНИЯ О ДРЕВНИХ ЗОЛОТОПРОМЫСЛАХ

Аннотация

Первые шаги возникновения горно-добывающей промышленности на территории Узбекистана освящаются на основе сохранившихся исторических источников и фактических материалов накопленных в процессе геологоразведочных работ. Широкое распространение древних горных выработок, их наличие в различных формационных типах месторождений, масштабы, глубина распространения и разнообразие примененных методов проходки свидетельствуют о многовековых традициях освоения золотых руд в республике.

Калит сўзлар: Древние горные выработки, месторождение, руда, золото, метод, рудная формация, шлак, амальгамация.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА КОНЧИЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ ҲАМДА ҚАДИМИЙ ОЛТИН КОНЛАРИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация

Ўзбекистон худудида тоғ-кончилик саноати вужудга келишининг дастлабки одимлари мавжуд тарихий манбалар ҳамда геология-кидирув жараёнида топилган кўплаб фактик материаллар ёрдамида ёритилган. Қадимий тоғ иншоатларини кенг тарқалганлиги, турли формацияларига хос конларда учраши, микёси, ўтиш чуқурлиги ва усулларидаги хилма-хилликлар республикада олтин маъданларини ўзлаштиришнинг аналари кўп асрлик тарихга эгалигидан дарак беради..

Калит сўзлар: Қадимий тоғ иншоатлари, кон, маъдан, олтин, усул, маъдан формацияси, тошқол, амальгамация.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистон худуди фойдали қазилмаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги даврда республика геология тармоғи томонидан 70 дан ортиқ турга мансуб 2000 га яқин конлар ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган. Уларнинг кўпчилиги охириги ярим аср давомида ўтказилган режали геологик-кидирув ишлар натижасида топилган. Лекин, бир гуруҳ маъданли, айниқса олтинга бой конлар мавжуд бўлиб, уларни ўзлаштириш кўп асрлар аввал, бутунлай ўзгача билимлар тизими ва техник-технологик жиҳозланишга таяниб амалга оширилган. Ушбу тарихий ёдгорликларни тахлили қадимий Ўзбекистон худудидаги кончилик фаолиятининг дастлабки одимлари, излаб топилган фойдали қазилма турлари, уларни ўзлаштириш марказ ва усулларининг

юзага келишини хронологик кетма-кетликда кузатиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек халқининг, айниқса мустақиллик қўлга киритилганидан кейинги, ўз тарихини англашга бўлган интилишларини инобатга олганда, мазкур тадқиқотларни жуда долзарблигини таъминлайди.

Қадимий кончилик масаласи, махсус геологик-тарихий тадқиқотлар мавзуси сифатида, систематик тарзда бир қанча йирик монографик ишларда ёритилган [1-5 ва б.]. Унинг тадқиқот объекти бўлиб хизмат қиладиган замонавий Ўзбекистон худудини геологик ўрганилганлиги айрим даврларининг ўзига хос хусусиятлари ва замин ҳақидаги билимларни умумий

ривожланишига қўшган хиссасига қараб 1998 йилда олти давр ажратилган [6]:

- қадимий ва ўрта асрлар;
- XIX-XX аср бошлари (1917 йилгача);
- 1920-1930 йиллар;
- 1940-1950 йиллар;
- 1960-1970 йиллар;
- 1980-1990 йиллар.

Ўзбекистондаги геологик фикр ва коншунослик ривожидagi ушбу 6 давр тизимли ёндашув асосида етарли даражада батафсил таҳлил қилинган. Улардан кейинги ва замонавий даврлардаги геологик мерос тарихий таҳлилининг асосий натижалари маъдан геологияси қисми бўйича Минерал ресурслар институти ("МРИ" ДМ) монографик ишида ўз аксини топган [8]. Шу туфайли, ушбу мақолада янада муфассал геологик-тарихий таҳлилни фақат олтин конларини қадимда ўзлаштириш худуд, ўлтам ва хусусиятлари билан боғлиқ масалалар бўйича ўтказиш кўзда тутилади.

Энг дастлабки Моварауннаҳрдаги фойдали қазилма конларини турлари ва жойлашув ерлари (тахминий) тўғрисидаги маълумотлар қадимий Хитой йилнома ва юнон манбаларида ўз аксини топган. Суғд ва Хоразм тўғрисидаги муайян географик маълумотлар "Авесто"да (милоддан аввалги IX аср – ҳозирги III аср) келтирилган. Абу Райхон Беруний минералогия бўйича суғд трактлари борлиги тўғрисида хабар берган [9]. Кўплаб қадимий қўлэзма ва уларни иккиламчи нашрлари таҳлили асосидаги шарқшунос олимларнинг (В.В.Бартольд, М.Е.Массон, М.П.Грязнов, Б.А.Литвинов, М.А.Абдураимов, О.И.Исломов ва б.) тасаввурларига кўра туғма (соф) олтин ва кимматбаҳо тошлар бу ерда тош асридан бошлаб қўлланилиб келинган. Темир (Кўхитанг ва Курама тоғлари, Фарғона водийси), қалайи (Карноб), мис (Қизилқум) каби неолит ва бронза даврларидан (милоддан аввалги III-I минг йилликлар) бошлаб ўзлаштириб келаётган фойдали қазилмалар рўйхати ўнлаб номларни ўзида жамлаган. Марказий Осиёнинг жанубий-шарқий қисмида кузатилган милоддан аввалги V ва III минг йилликларга мансуб археологик топилмалар бу ерда олтиндан маъданнинг эҳтиёжлар учун фойдаланилишини кўрсатади. Геродот (милоддан аввалги V аср) ва Страбон (милоддан аввалги I аср) асарларида Марказий Осиё олтин ва мисга жуда бой, уларга нисбатан темирга ва кумуш бир мунча оз бўлган худуд сифатида тасвирланган. Бунда олтин қазиб олиш марказлари сифатида, тахминан, Қизилқумни Оролбўйи ва Шимолий Нурота тоғлари билан чегарадош худудлари кўрсатилган. Шу даврга мансуб Хитой йилномаларида эса олтинни Самарқанднинг шарқида, темир ва симоб билан бирга, Фарғона водийсида қазиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Геологик-технологик нуқтаи-назардан ўзлаштирилиши оддий бўлган сочма конларидаги тоғ иншоатларининг Ўзбекистондаги энг дастлабки излари милоддан аввалги II ва I минг йилликларнинг бошланғич даврларига мос келади [10]. Бу тўғрисида Чирчик, Чотқол, Косонсой дарёлари ва уларнинг жилғалари қирғоқларидан топилган ўша давр кончилик фаолияти излари (чўкинди тоғ жинслари уюмлари, очик тоғ иншоатлари фрагментлари ва турли маиший буюм бўлаклари) гувоҳлик беради. Бирламчи маъданларни қазиб олишнинг дастлабки излари Курама тизмаси шимолидаги Кўчбулоқ қони (милоддан аввалги ва милоднинг I минг йилликлари) ва Султон-Увайс тоғларидаги Шайх-Жейли майдонида (милодий III-IV асрлари) аниқланган.

X-XI асрларга келиб, Марказий Осиё олтиннинг сезиларли заҳираларига эга улкан тоғ-маъдан худуди

сифатида маълум бўлган. Абул-Қосим ибн Хавқал, Абу Райхон Беруний ва Хамдуллоҳ Қазвиний маълумотларига кўра энг йирик олтин конлари Самарқанд шаҳри чеккасидаги "Қухлек" тепалиги (Чўлпонога қирлари), Фарғона водийсидаги "Буттам" ва Туркистон тизмаси шимолий ёнбағридаги "Усрашана" вилоятларида ўзлаштирилган [6]. Бундан ташқари, ушбу майдонлар жумласига Косонсой дарёси водийсидаги "Ахсикета" юрти, Истарахи томонидан тасвирланган "Юқори Несе" (Сох дарёси қирғоқларида), "Некад" (Фарғона водийси жанубий-шарқий чеккаси) ва "Ипак" (Ангрен дарёси ва Қорамозор тоғлари) ўлкалари ҳам киритилиши лозим.

Ўша даврлар қадимий тоғ иншоатларига энг бой объектлар сифатида Курама тоғларининг олтин конлари алоҳида ажралиб туради. Айрим маълумотларга кўра улар Қизилолмасой (V-XII асрлар), Самарчук (X-XI), Кўчбулоқ (асосан IX-XII асрларда ўзлаштирилган), Токберди (IX-XII), Катранга (IX-XII), Ақчасой (X-XI), Сартабутан (X-XII), Гольдуран (IX-XII) и Октурпоқ (IX ва XI аср биринчи ярмида олтин феруза билан бирга олинган) конларида топилиб, тадқиқ қилинган [11]. Кумуш қазиб бўйича катта миқёсли ишлар V-XI асрларда Конйўл, Лашкерек ва, асосан, Октепа маъданлар майдонида олиб борилган. Улардаги қадимий тоғ иншоатлари 180 метр чуқурликгача тушгани ва чиқарилган тоғ жинслари тўқилмалари ҳажми юзлаб минг тоннани ташкил қилгани, қазиб олинган металнинг миқдори минг тоннадан ошганини тахмин қилишга имкон берган. X-XII асрларга мансуб қадимий тоғ иншоатларининг яна бир катта гуруҳи Нурота тоғларидаги Сентаб, Маджирум, Консой, Олтинқазиган, Чормитон каби олтин конлари худудидан топилган. Бундан ташқари, фактик материаллар уларни Чодак (Чотқол тоғлари) ва, тахминан, Рабинжон (Зирабулоқ тоғлари) маъдан майдонларида ҳам бўлганини кўрсатади [12, 13]. Яъни, Чотқол-Курама ва Нурота регионларида ҳозирги кунда маълум бўлган олтин конларининг кўпчилиги ўрта, асосан X-XI асрларда муваффақиятли ўзлаштирилган.


Шарқий Ўзбекистон объектлари учун қадимда ўзига хос тоғ иншоатларини ўтишнинг техник, маъдан қазиб ва қайта ишлаш усуллари тавсифли бўлган [11, 13]. Иншоатлар маъдан танасининг узунасига ва чуқурлашув йўналишига мос равишда ўтилган. Конлар ер сатхидан маъдан таналари шаклига мос келувчи тирқишсимон иншоатлар билан ўзлаштирилиб, чуқурликда айримлари боши берк шахта, кесма ва камераларга айлантилган. Шу зайдда қадимий тоғ иншоатлари аста-секин катта чуқурликларга қараб ривожлантириб борилган. Мисол учун, улар Октурпоқ қонида 80 метр, Қизилолмада эса, 100 метрдан зиёд заминга кириб борган. Бу кўрсаткичлар чегаравий эмаслигига Лашкерек ва Конйўл кумуш-кўрғошин конларининг 300м ва ундан ортиқ чуқурликларида кузатилган ўрта асрга мансуб тоғ иншоатлари гувоҳлик бериши мумкин. Лекин, тоғ-кончилик амалиёти бундай чуқурликларда асосан кислотадан этишмаслиги ва ер ости сувлари босиши билан боғлиқ инсон фаолиятини чекловчи омиллар устиворлик қилишини кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, Қадимий Рим тоғ иншоатларидаги топилмаларга асосланган ҳолда, Шарқий Ўзбекистон конларида ер ости сувларини чиқариш ва вентиляция мақсадларида антик механик қурилмалар ишлатилганлигини тахмин қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўхшаш, лекин бир мунча камроқ чуқурликларга ўтилган қадимий тоғ иншоатлари, аҳамияти жиҳатидан Чотқол-Курама худудидан кейин турувчи, қадимий кон ўзлаштириш маркази – Нурота тоғларида аниқланган (Сентаб, Маджирум, Консой, Олтинқазиган ва б. конлар).

Уларга ўхшаш тавсифга эга қадимий тоғ иншоатлари Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларида топилган (Чангалак, Қорақўтон, Тиллатоғ ва бошқалар). Ўтган асрнинг 70-йилларида Рабинжон конида аниқланган қадимий маъдан казиш ишларининг излари (очиқ тоғ иншоатлари фрагменталари, ишлов берилган тоғ жинси уюмлари ва б.) Зирабулоқ тоғларининг шарқий қисмидаги олтин-мис-скарн маъданларида олиб борилган казиш ишларининг

нисбатан унча катта бўлмаган чуқурликларидан дарак беради (биринчи ўнлаб метрлар).

Шундай қилиб, замонавий тадқиқотлар натижалари билан асослангани даражасига қараб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қадимий олтин казиш ишлари жамданишининг уч майдони ажратилади: Чотқол-Қурама, Нурота ва Зирабулоқ-Зиёвутдин (1-расм).



Лекин тарихий манбаларда мавжуд бўлган спорадик маълумотлар ва мустақиллик йилларидаги айрим тадқиқотлар натижасида йиғилган фактик материалларни инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси бўйича қайд этилган 600дан кўп қадимий конлар рўйхатида [13] кўрсатилган ҳамда юқорида қисман таҳлил қилинган майдонлар сони ва географиясини сезирарли кенгайтириш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Х.М., Васильковский Н.П., Вайнер Л.А., Исламов О.И. Очерки по истории геологического изучения Средней Азии. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1956. - 147с.
2. Геология СССР. Т. XXIII: Узбекская ССР. - Москва: Недра, 1972. - Кн. 2, 3.
3. Геология СССР. Т. XXIII: Узбекская ССР. Полезные ископаемые. - Москва: Недра, 1983. - 232с.
4. Золото. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Шаякубов Т.Ш., Цой Р.В., Голованов И.М. и др. - Ташкент: Университет, 1998. - С. 577-593.
5. Исламов О.И. Зарождение геологических знаний в Средней Азии // Тр. ин-та геол. АН УзССР. - Ташкент, 1956. - Вып. 13.
6. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан / Под. ред. Шаякубова Т.Ш., Далимова Т.Н. - Ташкент: Университет, 1998. - 723с.
7. Рудные месторождения Узбекистана - Ташкент: ГИДРОИНГЕО, 2001. - 661с.
8. Policovskiy V.S., Arifov M., Islamov L.R., Saripov R.A. Abu Raykhan ibn Mukhammed al-Beruniy. - Tashkent: University, 1999. - 57p.
9. Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. - Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1953.
10. Киреев В.И., Пругер Е.Б. О древнем золоторудном промысле Узбекистана // Вопросы геологии золота Узбекистана. - Ташкент, 1975. - С. 108-116.
11. Пругер Е.Б. Древний горный промысел Узбекистана - целесообразность и перспективы изучения // Узбекский геологический журнал. - Ташкент, 1978. - № 4. - С. 93-94.
12. Иванов П.П. К истории развития горного промысла в Средней Азии. - Ленинград-Москва, 1932.



УДК: 94(575.1)+327(575.1:595) 008(575.1:595)

Ильяс ШАКИРОВ,
ЎзМУ “Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси (PhD)
E-mail: I.shakirov91@mail.ru

Ислом цивилизация маркази доценти, т.ф.д. Ф. Эрназаров тақризи асосида

RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND THE COUNTRIES OF SOUTHEAST ASIA IN THE FIELD OF EDUCATION AND SCIENCE (ON THE EXAMPLE OF SINGAPORE)

Annotation

In the 21st century, when the world has entered the era of globalization, an important place in the development of bilateral relations is occupied by cultural and humanitarian ties that contribute to the further strengthening of interstate cooperation. During the years of independence, Uzbekistan adopted a number of decrees and resolutions aimed at the comprehensive development of diplomatic relations, including cultural and humanitarian ones. It is especially worth noting that in 2017 the “Action Strategy for the Five Priority Directions of Development of Uzbekistan in 2017-2021” was adopted, which emphasizes the importance of interethnic cooperation and harmony.

Key words: Science, education, sport, relationship, agreement, Uzbekistan, Singapore

ВЗАИМООТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА И СТРАН ЮГО-ВОСТОЧНОЙ АЗИИ В СФЕРЕ ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ (НА ПРИМЕРЕ СИНГАПУРА)

Аннотация

В XXI веке когда мир вступил в эпоху глобализации, важное место в развитии двусторонних отношений занимают культурно-гуманитарные связи, способствующие дальнейшему укреплению межгосударственного сотрудничества. В Узбекистане за годы независимости был принят ряд указов и постановлений, направленных на всестороннее развитие дипломатических отношений, в том числе, культурно-гуманитарных. Особо стоит отметить, что в 2017 году была принята “Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах”, в которой особо отмечается важность межнационального сотрудничества и согласия.

Ключевые слова: Наука, образование, спорт, сотрудничество, соглашение, Узбекистан, Сингапур

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ТАЪЛИМ ВА ФАН СОҲАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР (СИНГАПУР МИСОЛИДА)

Аннотация

Жаҳон глобаллашув даврига қадам қўйган ХХИ асрда давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи маданий-гуманитар алоқалар икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон билан дипломатик, жумладан, маданий-гуманитар муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. 2017-йилда “2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилингани, унда миллатлараро ҳамкорлик ва тотувликка алоҳида эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Калит сўзлар: Илм, таълим, спорт, ҳамкорлик, шартнома, Ўзбекистон, Сингапур.

Введение. Известно, что со времени обретения государственной независимости, Республика Узбекистан тесно сотрудничает со странами Юго-Восточной Азии в сфере образования, культуры и науки. Необходимо подчеркнуть, что Юго-Восточная Азия является одной из динамично-развивающихся регионов, страны которой, Малайзия, Сингапур, Индонезия, Таиланд интересны не только своим экономическим, но также и культурно-гуманитарным потенциалом.

Анализ литературы по теме. За годы независимости представителями научного сообщества Республики Узбекистан были созданы работы, посвященные вопросам двустороннего сотрудничества Узбекистана как со странами дальнего зарубежья, так и с международными и региональными организациями. Следует отметить, что основная часть исследовательских работ по данному направлению были сделаны учеными историками, среди которых особо стоит выделить работы А. Касимова, И. Васькина, Э.З. Нуриддинова, М. Бабаходжаева, Л.М. Бабаходжаевой, М.А. Рахимова, Д.Б. Сайфуллаева, Г. Джураевой, Ш. Арифханова, в которых, с исторической точки зрения проделан анализ внешней

политики Республики Узбекистан, в том числе, дипломатические отношения независимого Узбекистана.

Методология исследования. В представленной научной статье были использованы методы систематизации, сравнительного анализа, интерпретации исторических данных, а также принцип историзма.

Анализ и результаты. Опираясь на материалы архива Администрации Президента Республики Узбекистан, можно отметить тот факт, что для Сингапура развитие культурно-гуманитарных связей со странами Центральной Азии остается одним из приоритетных направлений внешней политики[1].

Представители министерства иностранных дел Сингапура отмечали, что развитие сотрудничества с Узбекистаном в гуманитарной сфере позволит ускорить информационное сближение двух стран, служащее базой для формирования, среди деловых кругов, соответствующего имиджа и последующей активизации сотрудничества[1].

Материалы архива Администрации Президента Республики Узбекистан показывают, что культурно-гуманитарные взаимосвязи двух стран активизировались в

ходе визита правительства Республики Узбекистан в Сингапур в 2007 году.

В частности, тогда, между правительствами двух стран было принято соглашение, направленное на развитие гуманитарной сферы, которое в настоящее время способствует укреплению взаимоотношений между двумя государствами.

20 февраля 2007 года была начата программа стажировки в Сингапуре специалистов банковской сферы Республики Узбекистан. Ассоциация банков, совместно с Центральным банком Республики Узбекистан, организовала комиссию по отбору и отправке специалистов банковских сфер на стажировку в Сингапур, которые в составе 30 специалистов в течение 3 месяцев (март-май) стажировались в Сингапуре[2].

11 мая 2007 года в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан была проведена международная конференция по кредитованию, в которой приняли участие 3 эксперта из Сингапура, во главе с генеральным секретарем Сингапурского Института Развития Менеджмента(СИРМ), основными итогами которой являлся визит Президента СИРМ и Генерального Секретаря Института в Ташкент 23 июля 2007 года, которые провели ряд встреч в Ассоциации Банков Республики Узбекистан, где обсуждалось перспективы сотрудничества в сфере образования между двумя странами[2].

Исходя из договоренностей, достигнутых во время визита Президента СИРМ в Узбекистан в сентябре 2007 года было принято Постановление Президента Республики Узбекистан "Об организации деятельности Сингапурского института развития менеджмента в городе Ташкенте" и, в соответствии с этим постановлением, 3 марта 2008 года были подписаны учредительные документы совместного предприятия "MDIS in Tashkent limited liability company"[3].

Представители Сингапура неоднократно отмечали, что для островного государства перспективной областью сотрудничества с Узбекистаном является гуманитарная сфера. Правительство Сингапура приветствовало сотрудничество в сфере образования и поддержало скорейшую реализацию совместного проекта с Сингапурским институтом развития менеджмента. Посол Сингапура в Сеуле особо упомянул, что наличие таких зарубежных образовательных институтов в Узбекистане, как Вестминстерского университета и МГУ, свидетельствует о решительных мерах по созданию благоприятных условий для получения молодежью качественного образования[4].

Представители политических кругов Сингапура подчеркивали, что открытие Сингапурского института развития Менеджмента (СИРМ) в Ташкенте будет способствовать укреплению роли Узбекистана, как научного и культурного хаба Центральной Азии.

Предварительная работа по открытию СИРМ в Ташкенте была начата в середине 2007 года. Тогда, в мае и июле 2007 года были организованы визиты руководителя и генерального секретаря СИРМ в Ташкент. Ими было отмечено, что совместные проекты с Ассоциацией банков в банковско-финансовой сфере нацелены на повышение уровня подготовки и качества услуг в банковской сфере до мировых стандартов[4].

Результатами проведенных переговоров и встреч стало то, что в мае 2007 года между СИРМ и банковско-финансовой Академией Узбекистана было подписано соглашение о сотрудничестве, предусматривающее повышение квалификации слушателей Академии в Сингапуре. В ходе переговоров была отмечена

необходимость расширения связей не только путем обучения в Сингапуре, но и внедрением в Узбекистане сингапурских образовательных проектов. Исходя из этого, руководитель СИРМ отметил, что базой для сотрудничества в сфере бизнеса, банковского менеджмента и туризма может послужить представительство СИРМ в Узбекистане, как совместного института Узбекистана и Сингапура [4].

В результате проведенных, практических работ представителями Узбекистана и Сингапура по открытию филиала СИРМ в Узбекистане в 2007 году в Ташкенте был открыт СИРМ, а первый набор был начат в 2008 году по программам бакалавриата, а с октября 2009 года филиал открыл программу обучения в магистратуре. Важно добавить, что учебные программы вуза утверждены университетами-партнерами из Великобритании и Австралии. Академический процесс организован в соответствии с образовательными стандартами, учебным расписанием и программами, принятыми в СИРМ. В академический состав вуза входят преподаватели из Узбекистана и Сингапура[5].

СИРМ в Ташкенте является единственным сингапурским филиалом в Центральной Азии, где обучаются более 2200 студентов из всех регионов Узбекистана, а также студенты из Южной Кореи, Украины, Афганистана, Кыргызстана, Таджикистана и Казахстана [6]

договоренность по обмену опытом между специалистами двух стран.

В 2013 году делегация во главе с министром культуры, сообщества и молодежи Сингапура посетила Узбекистан. Во время визита представители Сингапура посетили филиал СИРМ в Ташкенте, где была дана высокая оценка деятельности института[7].

В марте 2016 года в Посольстве Республики Узбекистан в Сингапуре была проведена встреча с руководством MDIS - генеральным секретарем Р. Тейвендраном и Президентом Э. Квалом, в рамках которой генеральный секретарь отметил плодотворную деятельность MDIS в городе Ташкенте в подготовке квалифицированных кадров и выразил заинтересованность в дальнейшем расширении сфер обучения студентов, в частности включении в программу преподавания дополнительных учебных направлений «Мода и дизайн» и «возобновляемые источники энергии»[8].

Расширение функциональной базы и возможностей филиала MDIS в Ташкенте будет способствовать трансформации данного образовательного учреждения в региональный центр подготовки молодых кадров.

В этой связи, сингапурская сторона обратилась с просьбой оказать содействие в рассмотрении следующих вопросов:

1. Уточнение статуса выделяемой дополнительной территории для филиала MDIS в Ташкенте;

2. Возможность установления рабочих контактов с принадлежащими Правительству Республики Узбекистан гостиницами в целях направления студентов ВУЗа для прохождения практики[8].

В марте 2016 года в Посольстве Республики Узбекистан в Сингапуре была проведена встреча с одним из основателей компании «ENE Central Asia Art» С. Кларк, сообщившая о проведении презентации узбекского авангардного искусства в музее азиатской цивилизации Сингапура 21 марта 2016 года, а также серии лекции в колледже искусства «Lasalle» с 4 по 25 апреля 2016 года, на основе информации из узбекского журнала «San'at». Важно добавить, что основатель компании приняла

участие в “VIII Ташкентском биенале современного искусства” в октябре 2016 года[8].

Во время встречи делегации Узбекистана с Президентом колледжа искусств Ласаль была предоставлена полная информация об учебном заведении. В частности, делегация была ознакомлена с действующей инфраструктурой и кафедрами колледжа[10].

23 августа 2019 года делегация из Сингапура во главе с председателем международной группы Kinder World прибыла в Ташкент, которая в настоящее время располагает 20 кампусами компании во Вьетнаме, Таиланде и Малайзии и обладает большим авторитетом в сфере образования. Данная международная группа планирует построить несколько учебных заведений в столице Республики Узбекистан[11].

Сотрудники Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан также встретились с представителями других сингапурских организаций, в том числе, высших образовательных учреждений. В частности, была организована встреча с Президентом крупнейшего ВУЗа страны – Национального университета Сингапура, где обсуждались особенности системы образования страны, а также деятельность и исследовательский потенциал университета. Важно подчеркнуть, что Национальный университет Сингапура, известен как один из сильнейших исследовательских центров и учебных заведений, признанным одним из ведущих мировых вузов, считающийся лучшим университетом в Азии. Также состоялась встреча представителей Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан с руководством компании Indorama Corporation, во время которой была достигнута договоренность об участии компании в социальном проекте по реконструкции дошкольных образовательных организаций в регионах республики Узбекистан[13].

Для установления контактов с представителями религиозной и духовной сферы Сингапура в декабре 2019 года был организован визит представителей Международной исламской академии Узбекистана.

Во время встречи была представлена информация об экономическом потенциале и инвестиционной привлекательности сферы туризма Узбекистана, возможностях зират-туризма, жизни, научных трудах и общественной деятельности исторических личностей, внесших большой вклад в развитие научного исламоведения, таких как Имам аль Бухари, Имам ат Термизи и Имам аль Матуриди. Сторонами также была отмечена заинтересованность в укреплении сотрудничества в сфере науки и образования[14].

Заключения и рекомендации. Подводя итоги, можно утверждать, что фундамент для сотрудничества двух стран в гуманитарной и культурной сфере были заложены в ходе организации государственного визита правительства Узбекистана в Сингапур в 2007 году, в рамках которого были приняты соглашения, направленные на активизацию связей в этом направлении. Важным достижением двух стран, несомненно, является открытие в городе Ташкенте филиала СИРМ, который, в свою очередь, влияет на дальнейшее укрепление двусторонних связей, как культурно-гуманитарных, так и в других направлениях.

Рекомендуется проведение целенаправленной работы двух стран в сфере образования, путем установления сотрудничества с высшими образовательными учреждениями Узбекистана и Сингапура, рассчитанная на длительную перспективу. Установление связей, заключающихся в организации регулярных практических стажировок, как в Узбекистан, так и в Сингапур, будут способствовать повышению научного потенциала, как в гуманитарных, так и в естественных направлениях. Учитывая, принятую Концепцию “Развития системы Высшего образования до 2030 года”, флагманским университетам Узбекистана, в том числе, Национальному университету Узбекистана имени Мирзо Улугбека и Самаркандскому Государственному университету рекомендуется установить тесные контакты с ведущими вузами Сингапура, с привлечением известных профессоров и преподавателей для чтения лекций в высших образовательных учреждениях Узбекистана.

ЛИТЕРАТУРА

1. Архив Администрации Президента Республики Узбекистан (АППРУз). Ф.975. Оп. 30. Д. 1095.Л.42.
2. АППРУз. Ф.975. Оп. 30. Д. 1042.Л.136.
3. Постановление Президента Республики Узбекистан “Об организации деятельности Сингапурского института развития менеджмента в городе Ташкенте”. [Электронный ресурс] URL: [https:// lex.uz/docs/1244065](https://lex.uz/docs/1244065) (Дата обращения 07.05.2020).
4. АППРУз. Ф.975. Оп. 30. Д. 1042.Л.139.
5. MDIS Tashkent выпустил 341 бакалавра и магистра. [Электронный ресурс] URL: <https://www.gazeta.uz/ru/2014/10/21/mdis/> (Дата обращения 08.05.2020).
6. О МДИС в Ташкенте. [Электронный ресурс] URL: <http://mdis.uz/> (Дата обращения 08.05.2020)
7. Информация предоставлена Управлением по развитию международных связей и работы с ЮНЕСКО Министерства культуры Республики Узбекистан (09.01.2021).
8. Текущий архив МИДа РУз // Сингапур. Министерства и ведомства 2015-2020. / Об обращении руководства MDIS. Л.9.
9. Налаживается сотрудничество с Сингапуром [Электронный ресурс] URL: <http://mitc.uz/ru/news/427> (Дата обращения 08.05.2020).
10. Информация предоставлена Управлением по развитию международных связей и работы с ЮНЕСКО Министерства культуры Республики Узбекистан (09.01.2021).
11. В Ташкент прибыла делегация Kinder World из Сингапура. [Электронный ресурс] URL: <https://repost.uz/pribili-v-tashkent> (Дата обращения 10.06.2020).
12. Нарастивается сотрудничество в области дошкольного образования // Правда Востока от 15 ноября 2019 года. № 232.
13. Визит делегации министерства дошкольного образования в Республику Сингапур продолжается [электронный ресурс] URL: <https://mdo.uz/ru/news/vizit-delegacii-ministerstva-doskolnogo-obrazovania-v-respubliku-singapur-prodolzaetsa> (Дата обращения 20.05.2020).
14. В Сингапуре узнают об Узбекистане // Правда Востока от 8 января 2020 года. № 8.